

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

ҲИСОБ ВА АУДИТ ФАКУЛЬТЕТИ

«БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ» КАФЕДРАСИ

УСМОНОВА ДИЁРА РИШОД ҚИЗИ

**«СУТ ВА СУТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛАШ
КОРХОНАЛАРИ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ҲАМДА
АУДИТИ»**

5340900 -«Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» - таълим йўналиши
бўйича бакалавр даражасини олиш учун ёзилган

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

«ҲИМОЯГА РУХСАТ ЭТИЛДИ»

«Бухгалтерия ҳисоби» кафедраси мудири
_____ и.ф.н., доц. Б.О.Болибеков
«__» _____ 2013 йил

Илмий раҳбар: _____ ўқит.А.Юлдашева
«__» _____ 2013 й.

ТОШКЕНТ - 2013

Мен, Усмонова Диёра Ришод қизи ушбу БМИни мустақил бажардим, кўчирмачилик ҳолати йўқлигига жавоб бераман. Кўчирмачиликка йўл қўйган ҳолатимда БМИ кафедра мудири тақдимномасига асосан ректор буйруғи билан бекор қилиниши ва “қониқарсиз” баҳо қўйилишини биламан.

Талабанинг Ф.И.Ш. ва имзоси, сана

Тасдиқлайман
«Бухгалтерия ҳисоби» кафедра мудири
_____ доц. Б.Болибеков
_____ “_____” _____ 2013й.

Тошкент Молия Институти “Бухгалтерия ҳисоби” кафедрасида 5340900
“Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” таълим йўналиши бўйича бажариладиган

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШ ТОПШИРИҒИ

1. ХБА-55 гуруҳ талабаси Усмонова Диёра Ришод қизи «Сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари бухгалтерия ҳисоби ҳамда аудити» битирув малакавий ишининг мавзуси институт ректорининг 2012 йил 16 ноябрдаги 429 -сонли буйруғи билан тасдиқланган.
2. Битирув малакавий ишини дастлабки ҳимояга топшириш муддати 2013 йил 21 май
3. Битирув малакавий ишини бажариш юзасидан талаб этиладиган маълумотлар Ўзбекистон республикаси “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуни, "Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида"ги Низом, Бухгалтерия Ҳисоби Миллий Стандартлари ва Аудиторлик Фаолиятининг Миллий Стандартлари, Президент асарлари, дарслик ва ўқув қўлланмалар.
4. Битирув малакавий иши кириш, боблари “Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарида бухгалтерия ҳисобининг назарий асослари, “Тошкент Сифат Сут” МЧЖ корхонасида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритиш, “Тошкент Сифат Сут” МЧЖ корхонаси бухгалтерия ҳисоби аудитини такомиллаштириш йўллари.
5. Ишлаб чиқилиши белгиланган жадваллар 7 та жадвал ва 3 та чизма.

Топшириқ берилган сана 22.12.2012 йил.

Илмий раҳбар:

к.ўқ. А.Юлдашева

Топшириқни олган талаба

Усмонова Д.

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

№	Битирув малакавий ишининг таркибий қисмларини номи		Бажарилиш муддатлари	Эслатма
	Кириш		22.12.2012-15.01.2013	
I боб	Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарида бухгалтерия ҳисобининг назарий асослари		16.01.2013-01.03.2013	
1.1	Сут ва сутни қайта ишлаш корхоналарида бухгалтерия ҳисобининг ўрни ва аҳамияти		16.01.2013-04.02.2013	
1.2	Сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарида бизнес режанинг тузилиши		04.02.2013-01.03.2013	
II боб	“Тошкент Сифат Сут” МЧЖ корхонасида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритиш		04.03.2013-02.04.2013	
2.1	Сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарида ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш		04.03.2013-11.03.2013	
2.2	Сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарида “Директ-костинг” тизими бўйича харажатларни ҳисобга олиш		11.03.2013-25.03.2013	
III боб	“Тошкент Сифат Сут” МЧЖ корхонаси бухгалтерия ҳисоби аудитини такомиллаштириш йўллари		02.04.2013-10.05.2013	
3.1	Аудитни ўтказишнинг аҳамияти ва манбалари		02.04.2013-16.04.2013	
3.2	Сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарида аудиторлик текширувини ўтказиш тартиби		17.04.2013-01.05.2013	
	Хулоса ва таклифлар		10.05.2013-15.05.2013	

Илмий раҳбар:

к.ўқ. А.Юлдашева

Топшириқни олган талаба

Д.Усмонова

КИРИШ

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида сут ва

**I БОБ. сут маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарида
бухгалтерия ҳисобининг назарий асослари**

- 1.1 Сут ва сутни қайта ишлаш корхоналарида бухгалтерия ҳисобининг ўрни ва аҳамияти
- 1.2 Сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарида бизнес режанинг тузилиши

**II БОБ. “Тошкент Сифат Сут” МЧЖ корхонасида
бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритиш**

- 2.1 Сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарида ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш
- 2.2 Сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарида “Директ-костинг” тизими бўйича харажатларни ҳисобга олиш

**III БОБ. “Тошкент Сифат Сут” МЧЖ корхонаси бухгалтерия
ҳисоби аудитини такомиллаштириш йўллари**

- 3.1 Аудитни ўтказишнинг аҳамияти ва манбалари
- 3.2 Сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарида аудиторлик текширувини ўтказиш тартиби

ХУЛОСА

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

ИЛОВАЛАР

КИРИШ

Битирув малакавий ишнинг долзарблиги. Корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий мустакил ҳамда молиявий барқарор фаолият кўрсатишларида уларнинг ҳисоб-китоб юритилишини бозор иқтисодиёти талабларига мослаш, молиявий барқарорлик борасида ишларни йўлга қўйиш, бор моддий, молиявий ва меҳнат бойликларидан самарали фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш ёки хизмат курсатишни ташкил этиш энг долзарб вазифалардан саналади.

Шу боис бозор иқтисодиётини эркинлаштириш ҳар биримиздан бухгалтерия ҳисоби, молиявий ва иқтисодий таҳлил, аудит ҳақида билимга эга бўлишимизни талаб этади. Тадбиркорлик фаолиятининг муваффақияти, ҳисоб-китобларнинг пухталигига, пул оқимларининг оқилона бошқарилишига, молиявий масалалардаги қарорларнинг тўғри ва ўз вақтида қабул қилинишига ҳамда иқтисодий ва молиявий таҳлилнинг тўғри ва сифатли ташкил қилинишига узвий боғлиқдир. Айниқса бозорни туғри ўрганишда, ҳамкорларнинг молиявий ишончлилигини била олишда, ўзаро ҳисоб-китоб ишларида ютқазиб қўймаслик ва бойликлардан ўринли фойдалана олишда комплекс иқтисодий таҳлилнинг натижаларига асосланиб, таҳлил маълумотларига асосланиб, қарорларни белгилаш, фойда олишнинг зарурий шарти эканлиги тажрибада исботлангандир.

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг иқтисодий мустақиллигини кучайтириш, демократик давлатни яратиш борасида жаҳон миқёсига мос келувчи тизимлар ва моделлар ярата бошлади. Уларни янада такомиллаштириш борасида ўтиш даврида ҳуқуқий асосларни шакллантириш, иқтисодий ислохатларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устивор йўналишлари белгиланди.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек, «Юқори қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни таъминлайдиган кимё, нефт-газ ва нефт-кимё саноатини, машинасозлик, металлни қайта ишлаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, енгил,

озик-овқат саноатининг юқори технологияларга асосланган тармоқларини ва бошқа соҳаларни юксак даражада ривожлантириш олдимизга қўйилган мақсадларга эришишнинг асосий манбаи бўлиши даркор»¹.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, иқтисодиётнинг тизими ва таркибий жиҳатидан изчил янгилаш борасида қўрилган чора тадбирлар мамлакатимизда кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришига ижобий таъсир кўрсатади. Иқтисодиётни ривожлантириш жараёнларини кенгайтириш ва чуқурлаштириш бўйича муҳим ишлар амалга оширилди. Корхоналарни қайта ташкил қилиш ва улар фаолиятининг рентабеллик даражасини ошириш иқтисодий ривожланишга ўз ҳиссасини қўшди.

Мамлакатимизда ҳозирги кунга келиб бир неча корхоналарнинг қайта ташкил этилиши кузатилди. Буларга сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарини мисол қилиб олиш мумкин.

Малакавий ишнинг объекти “Тошкент Сифат Сут” Маъсулияти Чекланган Жамиятнинг бухгалтерия бўлими маълумотлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб, республикамызда фаолият юритаётган сут ва сутни қайта ишлаш корхоналари бухгалтерия ҳисоби ҳамда аудитини юритишнинг назарий ва услубий жиҳатларини халқаро стандартлар асосида иқтисодиётини модернизациялаш шароитига мослаштириш ҳисобланади.

Битирув малакавий ишнинг мақсади ва вазифалари. Битирув малакавий иш мавзусининг мақсади сут ва сутни қайта ишлаш корхоналари бухгалтерия ҳисоби ҳамда аудитининг мавжуд ҳолатини тадбиқ қилиш ва уни такомиллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Юқоридаги мақсаддан келиб чиққан ҳолда, қуйидаги **вазифалар** белгилаб олинди:

¹ Каримов И.А. 2013-Ватанимизни юксак босқичларга кўтарадиган йил бўлади. Т.: Ўзбекистон, 2013. – Б.9.

- Сут ва сутни қайта ишлаш корхоналарида бухгалтерия ҳисобининг ўрни ва аҳамиятини ўрганиш;
- Қайта ишлаш корхоналарида бизнес режанинг тузилишини ўрганиш ва уни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;
- Сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарида ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ва такомиллаштириш имкониятларини очиб бериш;
- Қайта ишлаш корхоналарида бухгалтерия ҳисобини юритиш тартибини ўрганиш ва тавсиялар бериш;
- Сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарида “Директ-костинг” тизими бўйича харажатларни ҳисобга олиш бўйича таклифлар бериш;
- Аудитини ўтказишнинг аҳамияти ва манбаларини ўрганиш;
- Сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарида аудиторлик текширувини ўтказиш тартибини такомиллаштириш йўллари белгилаш.

Малакавий иш натижаларининг амалий аҳамияти. Малакавий ишдаги илмий хулосалар ва тавсиялар, сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарида бухгалтерия ҳисоби ва аудитини иқтисодиётни модернизациялаш шароити талаблари асосида ташкил қилишга имконият яратади.

Тадқиқот натижаларидан маҳсулотларни қайта ишлаш корхоналарида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш, юритиш тартиби ҳамда аудити борасида ҳамда олий ўқув юртларида назарий ёки амалий қўлланма сифатида фойдаланиш мумкин.

Битирув малакавий ишнинг тузилиши ва ҳажми. Битирув малакавий иши кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишнинг таркиби унинг мақсади, вазифалари ва йўналишларини акс эттиради.

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, битирув малакавий ишининг объекти ва предмети, малакавий иш натижаларининг амалий аҳамияти, ишнинг мақсади ва вазифалари, ишнинг тузилиши ва ҳажми ёритилган.

Биринчи бобда Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарида бухгалтерия ҳисоби ва аудитининг назарий асослари, сут ва сутни қайта ишлаш корхоналарида бухгалтерия ҳисобининг ўрни ва аҳамияти, маҳсулотларни қайта ишлаш корхоналарида бизнес режанинг тузилиши, маҳсулотларни қайта ишлаш корхоналарида ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш тартиблари ўрганилиб чиқилган.

Иккинчи бобда “Тошкент Сифат Сут” МЧЖ корхонасида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритиш, маҳсулотларни қайта ишлаш корхоналарида бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби, сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарида “Директ-костинг” тизими бўйича харажатларни ҳисобга олиш масалалари ёритилган.

Учинчи бобда “Тошкент Сифат Сут” МЧЖ корхонаси бухгалтерия ҳисоби аудитини такомиллаштириш йўллари, аудитни ўтказишнинг аҳамияти ва манбалари, сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарида аудиторлик текширувини ўтказиш тартиби юзасидан бир қанча таклифлар ишлаб чиқилган

Хулосалар қисмида талаба томонидан битирув малакавий ишни ёзиш давомида келинган хулосалар ва ишлаб чиқилган амалий таклифлар умумлаштирилган ҳолда баён этилган.

I – Боб. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарида бухгалтерия ҳисоби ва аудитининг назарий асослари

1.1. Сут ва сутни қайта ишлаш корхоналарида бухгалтерия ҳисобининг ўрни ва аҳамияти

Ўзбекистон Республикасида жамият тараққиётининг барча жабҳаларида, энг аввало, иқтисодий соҳада ислохатларни янада чуқурлаштириш ва эркинлаштириш борасида аниқ дастур ишлаб чиқилган. Бу дастурни жорий этишдан кўзланган асосой мақсад Ўзбекистон демократик ва бозор ислохатларини амалга ошириш, жаҳон ҳамжамиятига кенг интеграциялашуви ва барқарор олға бориши учун мустаҳкам замин яратишдир.

Республикамизнинг иқтисодий ва молиявий барқарорликка эришишида муҳим омиллар, ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши, пул кадрсизланишини пасайтириш, экспорт ҳажмини ошириш ва бошқа шу каби макроиқтисодий ўсишни таъминлаш билан бирга мамлакатда фаолият юритаётган ҳар бир корхона, фирма, ташкилот, компанияларининг ҳўжалик субъектлари сифатида ривожлантиришни тақозо этади.

Корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий мустақил ҳамда молиявий барқарор фаолият кўрсатишларида уларнинг ҳисоб-китоб юритилишини бозор иқтисодиёти талабларига мослаш, молиявий барқарорлик борасида ишларни йўлга қўйиш, бор моддий, молиявий ва меҳнат бойликларидан самарали фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишни ташкил этиш энг долзарб вазифалардан саналади.

Шу боис бозор иқтисодиётини эркинлаштириш ҳар биримиздан бухгалтерия ҳисоби, молиявий ва иқтисодий таҳлил, аудит ҳақида билимга эга бўлишимизни талаб этади. Тадбиркорлик фаолиятининг муваффақияти, ҳисоб-китобларнинг пухталигига, пул оқимларининг оқилона бошқарилишига, молиявий масалалардаги қарорларнинг тўғри ва ўз

вақтида қабул қилинишига ҳамда иқтисодий ва молиявий таҳлилнинг тўғри ва сифатли ташкил қилинишига узвий боғлиқдир.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарида бухгалтерия ҳисобини меъёрий ҳужжатлар асосида, тўғри ва аниқ юритиш, улар фаолиятининг назорати ҳамда қарорлар қабул қилишда таҳлилнинг замонавий усулларида фойдаланиб, корхонанинг молиявий ҳолатига ижобий баҳо бериш учун уларнинг ҳисоб маълумотларини таҳлил қилинади.

Сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарида бухгалтерия ҳисобини юритиш бир неча меъёрий ҳужжатларга асосан олиб борилади. Буларга Ўзбекистон Республикаси “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонун, бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (БХМС), “Маҳсулот (иш ва хизмат)лар таннархига киритиладиган, маҳсулот (иш ва хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида”ги Низом каби меъёрий ҳужжатлардир.

Сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарида бухгалтерия ҳисоби қандай ташкил этилиши ва юритилиши уларнинг ўзига ҳос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда амалга оширилади.

Сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарида бухгалтериясини тўғри ташкил этиш, юритиш ва уларнинг маълумотларини таҳлил қилиш орқали қандай натижаларга эришиш мумкинлигини кўрамиз.


Сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарида молиявий ҳисоботларини таҳлил қилганимизда, биз корхоналарнинг устав капитали, пул маблағлари, асосий воситалари, айланма маблағлари, маҳсулот ҳажми, корхона ишлаб чиқариш дастурининг бажарилиши ва ҳ.к. таҳлили маълумотлари асосида корхоналарда назоратни ва қарорлар қабул қилишни ташкил этиш мумкин.

Сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарнинг молиявий аҳволини таҳлил қилишнинг асосий мақсади бўлиб, самарали бошқарувни йўлга қўйиш, таҳлил маълумотлари асосида оптимал қарорлар қабул қилиш бўлиб ҳисобланади.

Мазкур ишда сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва корхоналарнинг молиявий ҳолатининг таҳлили атрофлича ёритилган. Хусусан, сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарида бухгалтерия ҳисобини юритиш хусусиятлари, корхона мулки, баланснинг ҳаракатчанлиги ва корхоналар фаолиятининг ишчанлик, асосий воситалар таркиби, ҳаракати ва улардан самарали фойдаланиш таҳлили ва корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятига умумий таҳдилий баҳо бериш кўрсаткичлари аниқ ракамлар ёрдамида таҳлил қилинган. Уни тайёрлашда ҳукуматимизнинг саноат корхоналарнинг молиявий фаолиятига доир қарор, йўриқнома, низомларидан ва ушбу фан соҳасида муаллифларнинг янги дарсликларидан кенг фойдаланилган.

«Тошкент Сифат сут» Маъсулияти Чекланган Жамиятнинг бошқарув тизими қуйидагилардан иборат.

«Тошкент Сифат сүт» Маъсулияти Чекланган Жамият тизими



Иқтисодиётни эркинлаштириш ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш шароитида мулкнинг турли шахсларга мансублиги ишлаб чиқариш, иш бажариш ва хизмат кўрсатишда эркин рақобатнинг ҳукм суришига асос бўлади. Бу эса ўз навбатида ҳар бир корхонанинг яшовчанлигини ўзи таъминлаш заруратини туғдиради. Бу вазифани фақат бухгалтерия ҳисоби ва аудит, иқтисодий таҳлил орқали бажариш мумкин бўлади. Режали иқтисодиёт шароитида иқтисодий таҳлил етарли даражада ривожланиб ўзининг мазмуни, предмети ва объектига эга бўлган эди. Аммо унинг бир тури бўлган корхоналар молиявий ҳолатини таҳлилига ҳамда бухгалтерия ҳисобини юритишга деярли эътибор берилмади, чунки бунга объектив ҳолда зарурат ҳам йук эди.

Корхоналарнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳолатини таҳлили корхоналарнинг хўжалик фаолиятини назорат ва раҳбарлик

қилиш, корхоналар ўз-ўзини тўла маблағ билан таъминлаш асосида энг замонавий хўжалик механизмини вужудга келтириш, иқтисодий тежамни ўтказиш, техника тараққиётини янада жадаллаштириш, илғор хорижий тажрибаларни тарқатиш, иш фаолиятида мавжуд бўлган камчиликларга барҳам бериш ва ички хўжалик резервларини аниқлашда ўта муҳим дастак сифатида қўлланилади.

Бозор муносабатлари шароитида ҳар қандай хўжалик юритувчи субъектнинг ўз тасарруфидаги барча ресурслар – молиявий, моддий ва меҳнат ресурслари ҳаракати ҳамда улардан фойдаланиш самарадорлигини тўғри ташкил этиши зарур бўлади. Аммо кўпгина корхона ва ташкилотлар иқтисодий мустақиллик ҳамда ички ва ташқи бозорда битимлар тузиш ҳукукини қўлга киритганларидан сўнг, хўжалик юритишнинг янги шароитларига тайёр эмасликлари аён бўлиб қолди.

Ҳозирги шароитда мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришда, иқтисодиётдаги ноқулай йўналишларни тез бартараф этишда иқтисодиётни тубдан қайта ислоҳ қилишни жадаллаштириш биринчи навбатдаги вазифадир. Бухгалтерия ҳисоби ва иқтисодий таҳлилни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари иқтисодиётни бошқаришни қайта қуришнинг моҳияти ва уни амалга ошириш тамойиллари билан бевосита белгиланади. Иқтисодиётни бошқаришни тубдан қайта қуришнинг моҳияти – барча даражаларда асосан маъмурий раҳбарлик усулларида иқтисодий усулларга, манфаатлар орқали бошқаришга, демократлаштиришга, инсон омилини бутун чоралар билан кучайтиришга ўтишдир.

Республикамизнинг иқтисодий ва молиявий барқарорликка эришишида муҳим омиллар, ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши, пул қадрсизланишини пасайтириш, экспорт ҳажмини ошириш ва бошқа шу каби макроиқтисодий ўсишни таъминлаш билан бирга мамлакатда фаолият юритаётган ҳар бир корхона, фирма, ташкилот, компанияларининг хўжалик субъектлари сифатида ривожлантиришни тақозо этади.

Корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий мустақил ҳамда молиявий барқарор фаолият кўрсатишларида уларнинг ҳисоб-китоб юритилишини бозор иқтисодиёти талабларига мослаш, молиявий барқарорлик борасида ишларни йўлга қўйиш, бор моддий, молиявий ва меҳнат бойликларидан самарали фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишни ташкил этиш энг долзарб вазифалардан саналади.

Шу боис бозор иқтисодиётини эркинлаштириш ҳар биримиздан бухгалтерия ҳисоби, молиявий ва иқтисодий таҳлил, аудит ҳақида билимга эга бўлишимизни талаб этади. Тадбиркорлик фаолиятининг муваффақияти, ҳисоб-китобларнинг пухталигига, пул оқимларининг оқилона бошқарилишига, молиявий масалалардаги қарорларнинг тўғри ва ўз вақтида қабул қилинишига ҳамда иқтисодий ва молиявий таҳлилнинг тўғри ва сифатли ташкил қилинишига узвий боғлиқдир. Айниқса бозорни туғри ўрганишда, ҳамкорларнинг молиявий ишончлилигини била олишда, ўзаро ҳисоб-китоб ишларида ютқазиб қўймаслик ва бойликлардан ўринли фойдалана олишда комплекс иқтисодий таҳлилнинг натижаларига асосланиб, таҳлил маълумотларига асосланиб, қарорларни белгилаш, фойда олишнинг зарурий шарти эканлиги тажрибада исботлангандир.

Корхоналарнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳолатини таҳлили корхоналарнинг хўжалик фаолиятини назорат ва раҳбарлик қилиш, корхоналар ўз-ўзини тўла маблағ билан таъминлаш асосида энг замонавий хўжалик механизмини вужудга келтириш. иқтисодий тежамни ўтказиш, техника тараққиётини янада жадаллаштириш, илғор хорижий тажрибаларни тарқатиш, иш фаолиятида мавжуд бўлган камчиликларга барҳам бериш ва ички хўжалик резервларини аниқлашда ўта муҳим дастак сифатида қўлланилади.

Бозор муносабатлари шароитида ҳар қандай хўжалик юритувчи субъектнинг ўз тасарруфидаги барча ресурслар — молиявий, моддий ва меҳнат ресурслари ҳаракати ҳамда улардан фойдаланиш самарадорлигини тўғри ташкил этиши зарур бўлади. Аммо кўпгина корхона ва ташкилотлар

иқтисодий мустақиллик ҳамда ички ва ташқи бозорда битимлар тузиш ҳукукини қўлга киритганларидан сўнг, хўжалик юритишнинг янги шароитларига тайёр эмасликлари аён бўлиб қолди.

Ҳозирги шароитда мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришда, иқтисодиётдаги ноқулай йўналишларни тез бартараф этишда иқтисодиётни тубдан қайта ислоҳ қилишни жадаллаштириш биринчи навбатдаги вазифадир. Бухгалтерия ҳисоби такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари иқтисодиётни бошқаришни қайти қуришнинг моҳияти ва уни амалга ошириш тамойиллари билан бевосита белгиланади. Иқтисодиётни бошқаришни тубдан қайта қуришнинг моҳияти – барча даражаларда асосан маъмурий раҳбарлик усулларида иқтисодий усулларга, манфаатлар орқали бошқаришга, демократлаштиришга, инсон омилини бутун чоралар билан кучайтиришга ўтишдир.

Сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарида бухгалтерия ҳисобини юритишнинг ҳамда таҳлил этишнинг ўзига хос хусусиятлари бўлиб, бунинг учун алоҳида билим ва маҳоратга эга бўлиш керак. Бунинг учун биз мамлакатимизда қабул қилинган Низом ва Қарорлар, меъёрий ҳужжатлар, бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари, бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари, аудитнинг миллий стандартлари ва аудитнинг халқаро стандартларига асосан иш юритишимиз мақсадга мувофиқдир.

Сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарида бухгалтерия ҳисобининг асосий мақсад бўлиб, корхона ва ташкилотларнинг фаолиятини жадаллаштириш, молиявий-хўжалик фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва шу каби аниқ мақсадларга йўналтирилган натижаларга эришишдир.

1.2 Сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарида бизнес режанинг тузилиши

Сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарида асосан ишни бошлашдан олдин ушбу корхонанинг бизнес режасини тузиш зарур. Биз, ушбу корхоналарида иш жараёнини йўлга қўйиш мақсадида корхоналарда сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича бизнес режанинг намунасини келтириб ўтамыз:

**МЧЖ “Тошкент Сифат Сут” корхонасининг фаолиятига
Б И З Н Е С Р Е Ж А**

1. Лойиханинг мақсади

Ушбу лойиҳани тузишдан асосий мақсад давлат томонидан берилган қулайликлар, солиқ бўйича имтиёзлар ҳамда кичик бизнес ва табиркорлик соҳасини ривожлантириш борасида берилган бир қанча имкониятлардан фойдаланилган ҳолда экспорт ва импортни ривожлантириш янада янги ва сифатли маҳсулот яратишдир.

Ушбу лойиҳа келажакда корхона фойда олиши учун имконият яратиб берган ҳолда, олинган фойда корхонанинг келажакда маҳсулот турини кўпайтириш, сифатини ошириш, иш унумдорлигини ошириш, янги иш жойларини яратиш, ҳамда энг асосийси олинган даромадлардан солиқ ва бошқа тўловларни ўз вақтида амалга ошириб, давлат хазинасини тўлдиришга қаратилади. Таклиф этилаётган лойиҳа Ўзбекистон Республикасини ички бозорини тўлдиришга имконият беради

Корхона тулиқ номи - МЧЖ “Тошкент Сифат Сут”

□ **Юридик мақоми** – Маъсулияти Чекланган Жамият

Юридик манзилгоҳи – Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, Заргарлик 26 квартал, 23 дом №00445601 25.04.2011 й. бошлангич устав фонди 2 500 000 сум, 100% таъсисчи бўлиб ОАО «NBU Investment» ҳисобланади.

□ **Фаолият тури** – сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш

□ **Корхона раҳбари** – Усманова А.С.

□ **Корхонада ишлаб чиқариладиган маҳсулот турлари:**

-Сут маҳсулоти.

-Сутни кайта ишлашдан маҳсулотлар – қаймоқ, сметана, творог. Корхонага сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш учун 65313 кв.м. жой ажратилган. Корхона жойлашган ҳудуд шаҳар Учтепа тумани,Заргарлик 26 квартал 23 дом. Корхона томонидан ишлаб чиқариладиган ва етиштириладиган маҳсулотлар ГОС Резерв шартномаси асосидан сотилиши маҳсулотимизни харидори аниқлигидан далолатдир.

Ҳозирги кунда корхонада қуйдаги асосий воситалар мавжуд:

Корхонадаги мавжуд асосий воситалар

Жадвал-1

А/вноми	Микдори	Баланс нархи	Минг сумда
1.Сут кайта ишлаш заводи	1 дона	xxxxxx	xx
2.Транспорт воситалари	30 дона	xxxxxx	xx
3.Ахборот технологиялари: компьютер, факс, телефон ва бошқалар.	50 дона	xxxxxx	xx
4.Музлатгич	30 дона	xxxxxx	xx
ЖАМИ:		xxxxxxx	xx

Жадвал-2

Корхона молиявий ҳолати

Маркетинг бозори ва концепцияси.

МЧЖ “Тошкент Сифат Сут” сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва турини копайтириш.

Маҳсулот сотиш истикболи режаси.

Маҳсулот сотиш режа баҳоси.

№№	Номи	м.д.ж.	упаковка	масса за шт (кг)	Нархи сумда дона
1	Молоко пастеризованное	2,5%	тетра рекс	0,90	2 520
2	Кефир	1,0%	тетра рекс	0,90	3 150
3	Кефир	2,5%	финпак	0,90	2 835
4	Био-кефир	2,5%	тетра рекс	0,90	3 150
5	Био-кефир	2,5%	тетра рекс	0,45	2 048
6	Йогурт питьевой – абрикос	2,5%	тетра рекс	0,45	1 890
7	Йогурт питьевой – персик	2,5%	тетра рекс	0,45	1 890
8	Йогурт питьевой – вишня	2,5%	тетра рекс	0,45	1 890

9	Йогурт питьевой – клубника	2,5%	тетра рекс	0,45	1 890
10	Сметана	15,0%	моностакан	0,20	1 418
11	Сметана	20,0%	моностакан	0,45	2 153
12	Каймак	35,0%	моностакан	0,20	1 365
13	Творог традиционный	0,0%	пергамент	0,18	3 570
14	Творог традиционный	5,0%	пергамент	0,18	3 728
15	Творог традиционный	9,0%	пергамент	0,18	3 675
16	Сырок творожный - ваниль	4,5%	пергамент	0,10	1 995
17	Творог фруктовый – ваниль	5,0%	ванночка	0,18	2 363
18	Творог фруктовый – курага	5,0%	ванночка	0,18	2 363
19	Творожная масса - ваниль	23,0%	пергамент	0,20	2 310
20	Творожная масса - курага	23,0%	пергамент	0,20	2 310
21	Глазир. сырок – ваниль	23,0%	фольга	0,04	893
22	Глазир. сырок – шоколад	23,0%	фольга	0,04	893
23	Глазир. сырок – кокос	23,0%	фольга	0,04	893
24	Глазир. сырок – клубника	23,0%	фольга	0,04	893
25	Глазир. сырок – сгущенка	23,0%	фольга	0,04	893

3-Жадвал

2012 йил январ-июл ойларида сут саноати корхоналарида асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича М А Ё Л У М О Т

Корхоналар номи	Маҳсулот жами (амалдаги нархларда) минг сўм								Маҳсулот жами (солиштирма нархларда) минг сўм							
	ҳисоб 2009й.	ҳисоб 2010й.	(+,-)	ўсиш суръ- ати	ҳисоб 2009й.	ҳисоб 2010й	(+,-)	ўсиш суръ- ати	ҳисоб 2009й.	ҳисоб 2010й.	(+,-)	ўсиш суръ- ати	ҳисоб 2009й.	ҳисоб 2010й.	(+,-)	ўсиш суръ-ати
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17
Тошкентсут	7742	12022	4280	155	458	1228	770	268	9367	10547	1180	113	917	1228	311	134
Олмалиқсут	97428	104170	6742	107	17363	17359	-4	100	104107	104170	63	100	17832	17359	-23	100
Сайхун-ободсут	274328	280538	6155	102	41345	23562	-17783	57	287338	275263	-12075	96	42689	24423	-18266	57
Шаҳрихон-сут	193250	210340	17090	109	23540	38000	14460	161	220410	224500	4090	102	45000	45000	0	100
Нестле- Ўзбекистан	4144432	7912302	3767870	191	747458	1043982	296524	140	5185983	7406395	2220412	143				
Фарғонасут	-	110170	110170	-	0	26675	26675	-	-	96762	96762	-	0	27539	27539	0
Бухоросут	323819	235201	-88618	73	33465	39167	5702	117	349093	235201	-113892	67	49481	39167	-10314	79
Нукуссут	9657	14793	5136	153	3350	3876	526	116	14051	14793	742	105	3350	4084	734	122
Жами	5050711	8879536	3828825	176	866979	193849	326870	138	6170349	8367631	2197282	136	1781609	1017155	-794454	57
К и ч и к б и з н е с																
Тошкентсут- маҳсулот	349915	400861	50946	115	50693	52905	2212	104	431190	436681	5491	101	65475	59049	-6696	99
Ангренсут	73695	91360	17665	124	10543	13496	2953	128	71380	91360	19980	128	10753	13496	2743	126
Чирчиқсут	-	53750	53750	-	-	3750	3750	-	-	53750	53750	-	-	3750	3750	-
Бекободсут	29550	29550	0	100	3050	3050	0	100	29550	29550	0	100	3050	3050	0	100
Сирдарёсут	97475	117840	20365	121	7875	6000	-1875	76	101000	103400	2400	102	7000	5000	-2000	71
Гулистон-сут	34600	80280	45680	232	5400	14100	8700	261	30413	49296	18883	162	5445	8200	2755	151
Жиззахсут	-	10789	10789	-	-	6382	6382	-	-	10879	10879	-	-	6382	6382	-
Андижон-сут	298514	320506	21992	107	50283	46484	-3799	92	332115	333389	1274	100	60715	61070	355	101

Кўконсут	57763	77166	19403	134	9023	6492	-2531	72	152300	220200	67900	145	11078	19255	8177	174
Марғилон-сут	8815	61663	52848	700	0	7645	7645	-	9830	65433	55603	666	1690	6413	4723	379
Бравосут	65779	137681	71902	209	13544	22907	9363	169	113448	114936	1488	101	26323	21587	-4736	82
Акташсут	37483	24628	-12855	66	5803	0	-5803	0	35287	24587	-10700	70	6069	-	-6069	0
Пахтачисут	259778	282753	22975	109	50642	52188	1546	103	205374	210324	4950	102	37491	38996	1505	104
Булунғур-сут	49603	29246	-20357	59	10508	4373	-6135	42	59737	30987	-28750	52	10989	4680	-6309	43
Каттақўр- ғонсут	13399	1991	-11408	15	1252	941	-311	75	13469	1866	-11603	14	2158	878	-1280	41
Истиклол	79118	86144	7026	109	9780	16796	7016	172	71934	92628	20694	129	10814	14513	3699	134
ТПФ Парвина	706058	830352	124294	118	95801	166668	70867	174	484391	736855	252464	152	57077	157609	100532	276
Шохонасут	42000	136241	94241	324	25000	23501	-1499	94	42000	136241	94241	324	25000	23501	-1499	94
Шахрисабз-сут	-	37188	37188	-	-	6000	21500	-	-	37188	37188	-	-	6000	21500	-
Яккабоғсут	34797	62944	28147	181	6191	6613	422	107	37118	62944	25826	170	6402	6613	211	103
ЧП «Тева боши»	85164	85118	-46	100	21664	20853	-811	96	85164	85118	-46	100	21664	20853	-811	96
Термезсут	63100	86400	23300	137	9548	10700	1152	112	66809	84729	17920	127	10304	9729	-575	94
Афросиёб	47337	72647	25310	153	8037	11908	3871	148	47337	72647	25310	153	8037	11908	3871	148
Хўжайли-сут	16745	11238	-5507	67	8223	2619	-5604	32	17679	31578	13899	179	-	4495	4495	-
Урганчсут	-	69300	69300	-	-	18238	18238	-	-	69300	69300	-	-	18238	18238	-
ЧП «Муродов- Маруф»	100500	156400	55900	156	19492	10400	-9092	53	100500	156400	55900	156	19492	10400	-9092	53
Карманасут	65000	164167	99167	253	15600	35839	20239	230	65000	164167	99167	253	15600	35839	20329	230
ООО Фнас	53480	44000	-9840	82	-	-	-	-	53840	44000	-9840	82	-	-	-	-
Бурхон	-	68359	68359	-	-	-	-	-	-	68359	68359	-	-	-	-	-
Тўрткўл- ишонч	-	14600	14600	-	-	-	-	-	-	14600	14600	-	-	-	-	-
Жами	2670028	3645252	975224	137	422452	570848	148396	135	2656865	3633392	976527	137	407396	571504	164108	140
си	7720739	12524788	4804049	162	1289431	1764697	475266	137	8827214	12001023	3173809	136	2189005	1588659	-600346	73

Қуйидаги жадвалда МЧЖ “Тошкент Сифат Сут” корхонасининг 2012 йил 1-чорак ҳолатига сут қўйиш цехи фаолияти ҳақида маълумот келтирилган.

4-жадвал

**2012 йилнинг I чорагида сут қўйиш цехи
фаолияти ҳақида ҳисобот, минг сўм**

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бир- лиги	Режа	Ҳақи- катда	Бажа- рилиш %и	Фар- қи (+,-)
1	2	3	4	5	6	7
1.	Товар маҳсулоти ҳажми	минг сўм	4500,0	5200,0	116,0	+700,0
2.	Ишловчилар сони	киши	10	10	100,0	-
3.	Цех ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш фонди	минг сўм	1500,0	1800,0	120,0	+300,0
4.	Бир ходимнинг меҳнат унумдорлиги	минг сўм	150,0	180,0	120,0	+30,0
5.	Ишлаб чиқариш харажатлари сметаси, шу жумладан:	минг сўм	3600,0	4160,0	116,0	+560,0
	а) хомашё, асосий материаллар, сотиб олинadиган ярим тайёр маҳсулотлар ва бутловчи буюмлар	минг сўм.	1100,0	1250,0	114,0	+150,0
	б) ўзи ишлаб чиқарган ярим тайёр маҳсулотлар	минг сўм.	-	-	-	-
	в) қайтарилган чиқиндилар чиқариб ташланади	минг сўм.	-	-	-	-
	г) ёрдамчи материаллар	минг сўм.	-	-	-	-
	д) ёнилғи ва энергия	минг сўм.	300,0	310,0	103,0	+10,0
	е) меҳнатга ҳақ тўлаш ха- ражатлари	минг сўм.	1500,0	1800,0	120,0	+300,0
	ж) ижтимоий суғуртага аж- ратмалар	минг сўм.	600,0	720,0	120,0	+120,0
	з) янги маҳсулотни тайёрлаш	минг сўм.	-	-	-	-
	и) ишлаб чиқариш машина-лари ва жиҳозларидан фойдаланиш харажатлари	минг сўм.	65,0	55,0	85,0	-10
	к) умумишлаб чиқариш хара- жатлари	минг сўм.	35,0	25,0	71,0	-10
	л) бошқа харажатлар	минг сўм	-	-	-	-
	Цех бўйича жами:	сўм	3600,0	4160,0	116,0	+560,0

II БОБ. “Тошкент Сифат Сут” МЧЖ корхонасида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш

2.1. Сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарида ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби

Сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарида бухгалтерия ҳисоби ишлаб чиқариш корхоналаридаги каби юритилади. Бу корхоналарда асосан харажатларни ҳисобга олиш тизимига эътибор бериш лозим.

Республикамизда харажат моддалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган (Ўз.Р. ВМ.нинг 2003 йил 25 декабрдаги 567-сонли қарори билан билан ўзгартиришлар киритилган) «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги Низомга асосланади.

Бу Низомга асосланган ҳолда барча харажат моддаларини қуйидагича ифодалаш мумкин:

1. Маҳсулотларни ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган харажатлар:

- ☐ бевосита ва билвосита моддий харажатлар;
- ☐ бевосита ва билвосита меҳнат харажатлари;
- ☐ бошқа бевосита ва билвосита харажатлар, шу жумладан ишлаб

чиқариш йўналишидаги устама харажатлар.

2. Давр харажатлари:

- ☐ сотиш харажатлари;
- ☐ маъмурий харажатлар;
- ☐ бошқа операцион харажатлар ва зарарлар.

3. Молиявий фаолият бўйича харажатлар:

- ☐ фоизлар бўйича харажатлар;
- ☐ хорижий валюта операцияларида юзага келадиган салбий курс

фарқлари;

- ☐ қимматли қоғозларга қўйилган маблағларни қайта баҳолаш;
- ☐ молиявий фаолият бўйича харажатлар.

4. Ҳаққулодда зарарлар.

Иқтисодийни модернизациялаш шароитида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда харажатлар алоҳида ўрин тутди.

Харажатлар маҳсулотларни ишлаб чиқариш, товарлар сотиш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ бўлган сарфларнинг пулдаги ифодасидир.

Республикада харажат моддалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган (Ўз.Р. ВМ.нинг 2003 йил 25 декабрдаги 567-сонли қарори билан билан ўзгартиришлар киритилган) «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги Низомга асосланади.

Бу Низомга асосланган ҳолда барча харажат моддаларини қуйидагича ифодалаш мумкин:

Маҳсулотларни ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган харажатлар:

- ☐ бевосита ва билвосита моддий харажатлар;
- ☐ бевосита ва билвосита меҳнат харажатлари;
- ☐ бошқа бевосита ва билвосита харажатлар, шу жумладан ишлаб

чиқариш йўналишидаги устама харажатлар.

Маҳсулотларни ишлаб чиқариш таннархига қўшиладиган харажатлар ишлаб чиқариш ёки маҳсулот (иш, хизмат)ларни қайта ишлашда фойдаланиладиган табиий ва меҳнат ресурслари, хомашё ва материаллар, ёқилғи ва энергия, асосий воситалар ҳамда ишлаб чиқаришга тегишли бошқа харажатларнинг баҳосини ифодалайди.

Ушбу харажатлар иқтисодий мазмунига кўра қуйидагича тартибда гуруҳланади:

☐ ишлаб чиқариш моддий харажатлари (қайтариладиган чиқитлар қиймати чиқариб ташланган ҳолда);

☐ ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари;

□ ишлаб чиқаришга тегишли бўлган ижтимоий суғурта ажратмалари;

□ асосий воситалар ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар амортизацияси;

□ ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган бошқа харажатлар.

Хўжалик юритувчи субъектларда молиявий фаолият бўйича харажатлар муомалаларини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш учун қуйидаги счетлар белгиланган:

9610-«Фоизлар кўринишидаги харажатлар»;

9620-«Курс фарқларидан зарарлар»;

9630-«Қимматли қоғозларни чиқариш ва тарқатиш бўйича харажатлар»;

9690-«Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар».

Мазкур счетлар транзит счетлар ҳисобланиб, актив характерга. Уларнинг дебет оборотлари хўжалик муомалалари натижасида содир бўлган молиявий харажатларни, кредит оборотлари эса уларнинг ҳисобдан чиқарилишини ифодалайди.

Корхоналарда ишлаб чиқариш харажатлари қўйилган вазифаларга мувофиқ харажат элементлари ва калькуляция моддаларига бўлинади.

Харажатларни элементлари бўйича гуруҳлаш ишлаб чиқариш харажатларини иқтисодий мазмунига қараб аниқлаш ва тегишли сметалар тузишга асос бўлади.

Ишлаб чиқариш харажатларини калькуляция моддалари бўйича гуруҳлаш эса маҳсулотлар таннархини аниқлашга хизмат қилади. Мазкур харажатлар хомашё ва материалларни тайёрлаш, қайта ишлаш, брак маҳсулотларни тузатиш, ярим тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлади. Ишлаб чиқариш характерига эга бўлмаган харажатларга корхонанинг маданий-маиший объектларига сарфланадиган харажатлар киради.

Шунингдек, корхоналарда харажатлар маҳсулот таннархига киритилишига кўра бевосита ва билвосита харажатларга ажратилади.

Бевосита харажатлар корхоналарга маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлган хомашё ва материаллар, меҳнатга ҳақ тўлаш (ажратмалари билан бирга), ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган асосий воситалар амортизацияси каби харажатлар киради.

Бевосита моддий харажатлар ишлаб чиқариладиган маҳсулот (иш ва хизмат)ларнинг асосини ташкил этиб, унинг таркибига кирадиган ёки маҳсулотлар тайёрлаш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишда фойдаланиладиган четдан сотиб олинadиган хомашё ва материаллар харажатларини ифодалайди.

Юқоридагилардан ташқари «Харажатлар таркиби тўғрисидаги» Низомга мувофиқ, қуйидаги харажатлар ҳам бевосита моддий харажатлар таркибига киради:

□ нормал технология жараёнини таъминлаш ва маҳсулотларни ўраш учун маҳсулот (ишлар, хизматлар) ёки бошқа ишлаб чиқариш эҳтиёжига сарфланадиган (асбоб-ускуналар, бинолар, иншоотлар ва бошқа асосий воситалар синовини ўтказиш, назорат қилиш, сақлаш, тузатиш ва улардан фойдаланиш) учун ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган харид қилинадиган материаллар, шунингдек асбоб-ускуналарни тузатиш учун эҳтиёт қисмлар, инвентарлар қиймати, хўжалик буюмлари ва асосий воситаларга кирмайдиган бошқа меҳнат воситалари.

□ сотиб олинadиган, келгусида корхонада монтаж қилинадиган ёки қўшимча ишлов бериладиган бутловчи буюмлар ва ярим тайёр маҳсулотлар;

ташқи юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек корхонанинг ички таркибий бўлинмалари томонидан бажариладиган фаолиятнинг асосий турига тегишли бўлмаган ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган ишлар ва хизматлар. Ишлаб чиқариш характериға эга бўлган ишлар ва хизматларға маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича муомалаларни бажариш, хомашё ва материалларға ишлов бериш, уларни сифатини аниқлаш учун синовлар ўтказиш, белгиланган технологик жараёнларға риоя этилиши устидан

назорат қилиш, асосий ишлаб чиқариш воситаларини тузатиш ва бошқалар тегишли бўлади.

Корхона ичида ташқи юридик шахсларнинг транспорт хизматлари (хомашё, материаллар, инструментлар, деталлар, танаворлар, юкларнинг бошқа турларини марказий омбордан цехга, шунингдек, тайёр маҳсулотни сақлаш учун омборга келтириш) ҳам ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган хизматлар ҳисобланади.

□ табиий хомашё (ер рекультивациясига ажратмалар, ихтисослаштириш, юридик шахслар томонидан амалга ошириладиган ерни рекультивация қилиш ишларига ҳақ тўлаш), илдизи билан бериладиган дарахтларга ҳақ тўлаш, саноат корхоналари томонидан сув хўжалиги тизимидан белгиланган лимитлар доирасида ва ундан ортиқча олинадиган сув учун ҳақ тўлаш. Саноатнинг хомашё тармоқлари учун эса ёғоч-тахта материалларидан ёки фойдали казилмалардан (рудадан) фойдаланишга ҳуқуқларнинг амортизация қилинадиган қиймати ёки атроф-муҳитни тиклаш харажатлари.

□ технологик мақсадларга, энергиянинг барча турларини ишлаб чиқаришга, биноларни иситишга сарфланадиган ёнилғининг четдан сотиб олинадиган барча турлари, корхоналарнинг транспорти томонидан бажариладиган ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш бўйича транспорт ишлари;

□ корхонанинг технологик, транспорт ва бошқа ишлаб чиқариш ва хўжалик эҳтиёжларига сарфланадиган барча турдаги харид қилинадиган энергия. Бунда корхонанинг ўзи томонидан ишлаб чиқариладиган электр энергиясига ва энергиянинг бошқа турларига, шунингдек харид қилинадиган энергияни истеъмол жойига трансформация қилиш ва узатиш харажатлари моддий харажатларнинг тегишли элементларига киритилади.

□ ишлаб чиқариш соҳасида моддий бойликларнинг табиий йўқолиш нормалари доирасида ва улардан ортиқча йўқотилиши, яроқсизланиши ва кам чиқиши.

□ корхонанинг транспорти ва ходимлари томонидан моддий ресурсларни етказиш билан боғлиқ харажатлар, жумладан юклаш ва тушириш ишлари ишлаб чиқариш харажатларининг тегишли элементларига киритилиши зарур.

□ корхоналар томонидан мол етказиб берувчилардан олинадиган идишлар ҳам моддий ресурслар қийматига киритилади.

□ маҳсулот таннархига киритиладиган моддий ресурслар харажатларидан қайтариладиган чиқитлар қиймати, идиш ва ўраш-жойлаш материаллари қиймати уларнинг амалда сотилиши, фойдаланилиши ёки омборга кирим қилиниши нархи бўйича чиқариб ташланади.

□ моддий харажатлар элементи бўйича акс эттириладиган моддий ресурслар қиймати сотиб олиш нархидан, шу жумладан, қўшимча нарх (устама)дан, таъминот, ташқи иқтисодий ташкилотлар томонидан тўланадиган воситачилик тақдирлашларидан, товар биржалари хизматларидан, шу жумладан брокерлик хизматларидан, божлар ва йиғимлар, транспортда ташишга ҳақ тўлашдан, ташқи юридик шахслар томонидан амалга ошириладиган сақлаш ва етказиб беришга ҳақ тўлашдан келиб чиқиб шаклланади.

□ Бевосита меҳнат харажатлари: бевосита ишлаб чиқариш ходимлари, ишлаб чиқариш жараёнида ишлаётган машина операторлари ва бевосита ишлаб чиқаришда банд бўлган бошқа ходимлар меҳнат ҳақи харажатлари. Шунингдек, «Харажатлар таркиби тўғрисида»ги Низомга кўра, бевосита меҳнат харажатларига қуйидагилар киритилади:

□ хўжалик юритувчи субъектда қабул қилинган меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари ва тизимларига мувофиқ бажарилган нархномалар, тариф ставкалари ва лавозим маошларидан келиб чиқиб ҳисобланган амалда бажарилган иш учун ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган ҳисобланган иш ҳақи, шу жумладан, бажарилган ишни ҳисобга олиш бўйича дастлабки ҳужжатларда назарда тутилган рағбатлантирувчи тусдаги тўловлар;

□ касб маҳорати ва мураббийлик учун тариф ставкаларига ва окладларга устамалар;

□ иш режими ва меҳнат шароитлари билан боғлиқ бўлган компенсация тусидаги тўловлар, шу жумладан:

□ технологик жараён жадвалида назарда тутилган тунги вақтда, ишдан ташқари вақтда, дам олиш ва байрам (ишланмайдиган) кунларда ишлаганлик учун тариф ставкалари ва окладларга устамалар ва қўшимча ҳақ;

□ кўп сменали режимда ишлаганлик, касбларни бирга қўшиб олиб борганлик ва хизмат кўрсатиш зоналарини кенгайтирганлик учун устамалар;

□ ҳукумат томонидан тасдиқланган касблар ва ишлар рўйхати бўйича оғир, зарарли, алоҳида зарарли меҳнат ва табиий иқлим шароитларида ишлаганлик учун устамалар, шу жумладан ушбу шароитлардаги узлуксиз иш стажи учун устамалар;

□ алоқа, темир йўл, дарё, автомобиль транспорти ва катта йўллар ходимларининг ва доимий иши йўлда ўтадиган ёки қатнов тусига эга бўлган бошқа ходимларнинг иш ҳақиға, хўжалик юритувчи субъект жойлашган жойдан жўнаган пайтидан бошлаб шу жойга қайтиб келган пайтгача тўланадиган йўлда ўтган ҳар бир сутка учун тўланадиган устамалар;

□ қурилишда, реконструкция қилишда ва мукамал таъмирлашда бевосита банд бўлган, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда вахта усули билан ишларни бажарган ходимлар учун ишнинг кўчма ва қатнов хусусияти учун устама;

□ доимий равишда ер ости ишларида банд бўлган ходимларга уларнинг шахтада (конда) иш жойига жўнаб кетишларидан олдин ва орқага қайтишларигача ўтадиган норматив вақт учун қўшимча ҳақ;

□ меҳнатга ҳақ тўлашнинг районлар бўйича тартибга солинишига, шу жумладан район коэффициентлари ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ чўл, сувсиз ва юқори тоғ жойларида ишлаганлик учун коэффициентлар билан белгиланган тўловлар;

□ хўжалик юритувчи субъект жойлашган жойдан (йиғилиш пунктидан) иш жойига ва орқага қайтадиган йўлда ўтадиган кунлар учун вахтада ишлаш жадвалида назарда тутилган, шунингдек ходимларнинг метеорология

шароитларига кўра ва транспорт ташкилотларининг айби билан йўлда тутилиб қолинган кунлар учун тариф ставкаси, оклад миқдорида тўланадиган суммалар (вахта усулида ишни бажаришда);

- иш вахта усулида ташкил этилганда, иш вақти жамланиб ҳисобланганда ва қонун ҳужжатлари билан белгиланган бошқа ҳолларда ходимларга уларга иш вақтининг нормал давом этишидан ортиқ ишлаганлиги муносабати билан бериладиган дам олиш (ортиқча ишланган иш вақти учун дам олиш) кунлари учун ҳақ тўлаш;

- ишланмаган вақт учун ҳақ тўлаш:

- амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ навбатдаги (ҳар йилги) ва қўшимча таътиллار учун компенсациялар, ўсмирларнинг имтиёзли соатлари, болани овқатлантириш учун оналар ишидаги танаффуслар, шунингдек тиббий кўриклардан ўтиш билан боғлиқ вақт учун ҳақ тўлаш;

- мажбурий таътилда бўлган ходимларга, асосий иш ҳақини қисман сақлаб қолган ҳолда, ҳақ тўлаш;

- донор ходимларга қонни текшириш, топшириш кунлари учун ва қон топширилган ҳар бир кундан кейин бериладиган дам олиш кунлари учун ҳақ тўлаш;

- давлат вазифаларини бажарганлик учун (ҳарбий йиғинлар, фавқулодда вазиятлар бўйича йиғинлар ва бошқалар) меҳнат ҳақи тўлаш.

- хўжалик юритувчи субъект штатида турмайдиган ходимлар меҳнатига улар томонидан фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги тузилган шартномалар бўйича ишлар бажарилганлиги учун ҳақ тўлаш, агар бажарилган иш учун ходимлар билан ҳисоб-китоб хўжалик юритувчи субъектнинг ўзи томонидан амалга оширилса пудрат шартномаси ҳам шу жумлага киради.

- белгиланган тартибга мувофиқ ишлаб чиқариш жараёнида қатнашувчи ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш фондида киритиладиган тўловларнинг бошқа турлари.

Билвосита харажатлар эса маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган харажатлар ҳисобланиб, уларга маъмурий-бошқарув харажатлари,

бошқарув асбоб-ускуналарини сақлаш ва фойдаланиш харажатлари киради.

Режалаштирилишига қараб харажатларни қисқа ва узоқ муддатли харажатларга ажратиш мумкин. Қисқа муддатли харажатлар корхонанинг тактик мақсадларини амалга оширишга имкон беради.

Узоқ муддатли харажатлар эса корхонани стратегик мақсадини амалга оширишда юзага келади. Уларга илмий текширишлар, янги технологияларни олиб кириш ва ривожлантириш, тайёр маҳсулотларнинг янги турларини ишлаб чиқаришга сарфланган харажатлар киритилади.

Корхоналар фаолиятида ярим ўзгарувчан харажатлар ҳам юзага келади. Ярим ўзгарувчан харажатлар бир вақтнинг ўзида ҳам ўзгарувчан, ҳам доимий харажат хусусиятига эга бўлган харажатлар ҳисобланади. Уларга телефон хизмати харажатларини киритиш мумкин. Бунда бир ойлик аниқ тўланиши лозим бўлган сумма - доимий харажатлар, шаҳарлараро ва халқаро сўзлашув харажатлари эса ўзгарувчан харажатлар гуруҳига киритилади.

Смета калькуляциясидан маҳсулотлар ишлаб чиқариш ёки ишлаб чиқаришда замонавий технологияни қўллаш ва келгуси даврларда сарфланадиган харажатлар сметасини тузишда фойдаланилади. Ушбу усул корхонада янги маҳсулот турларини ишлаб чиқариш, маҳсулотлар баҳосини белгилаш ва ишлаб чиқариш жараёнининг иқтисодий самарадорлигини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга.

Ишлаб чиқариш йўналишидаги ҳамма харажатлар маҳсулот таннархига киритилади. Бу эса ишлаб чиқаришга сарфланган харажатларни тўлиқ ва ўз вақтида ҳисобга олиш, шунингдек, моддий, меҳнат ва молиявий ресурсларни тежаш ҳамда улардан самарали фойдаланиш устидан назорат қилишга имкон беради.

2.2.Сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарида “Директ-костинг” тизими бўйича харажатларни ҳисобга олиш

Сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар таннархини пасайтириш ва самарали бошқариш

таннарх аниқлашнинг замонавий тизимларини амалиётга жорий қилишни тақозо этади.

“Директ-костинг” ҳисоб тизими ҳам республикамиз бухгалтерия ҳисоби учун янги тизимлардан ҳисобланиб, бугунги кунда иқтисодий ривожланган мамлакатларда кенг қўлланилмоқда. Германия ва Австралияда мазкур усул “қисман харажатлар ҳисоби” деб аталади. Британияда у “маржинал харажатлар ҳисоби”, Францияда - “маржинал бухгалтерия” ёки “маржинал ҳисоб” деган номларни олган. Ўзбекистонда эса “чекланган, тўлиқ бўлмаган ёки қисқартирилган таннарх ҳисоби” тушунчалари қўлланилиб келмоқда.

Ғарб мамлакатларида маржинал даромад усулидан ишлаб чиқаришни (экстенсив) ривожлантириш модели ўрнига янги модел - интенсив ривожланиш модели сифатида фойдаланила бошланди. Бундай моделдан фойдаланиш, ўз навбатида, харажатларни бевосита ва билвосита, асосий ва қўшимча, доимий ва ўзгарувчан харажатларга аниқ бўлишни ва шу асосда бошқаришнинг стратегик вазифаларини ҳал этишни талаб қилади.

Шуни назарда тутиш керакки, “Директ-костинг” тизимининг пайдо бўлиши соф бухгалтерия ҳисоби билан боғлиқ эди. Ҳисоб ходимлари ўша даврда шундай хулосага келишдики, барча харажатлар мазкур ҳисобот даврига ва шу даврдаги ишлаб чиқарилган маҳсулот билан боғлиқ яъни улар маҳсулот сотилгандаги ҳисобот даврига тегишли бўлиши лозим.

“Директ-костинг” тизимининг асосий мақсади корхона харажатларини ишлаб чиқариш ҳажми ўзгаришига боғлиқ ҳолда доимий ва ўзгарувчан харажатларга бўлишдан иборат.

Дастлабки босқичда таннархга фақат ўзгарувчан харажатлар киритилар эди, доимий харажатлар эса корхонанинг молиявий натижаларига ҳисобдан чиқарилар эди. Direct-Costing-System (бевосита харажатлар ҳисоби тизими)нинг номи ҳам шундан келиб чиққан, кейинроқ “Директ-костинг” тизими шундай ҳисоб тизимига айландики, унда таннарх фақат *бевосита* ўзгарувчан харажатлар қисмида ҳисоб қилинадиган бўлди. Мазкур номдаги

бир қатор шартлиликлар ана шундан келиб чиққан.

Амалиётда “Директ-костинг” тизимини турли вариантларда қўллаш имконияти мавжуд. Бевосита харажатлар бўйича калькуляциялашни кўзда тутувчи классик “Директ-костинг” тизимида харажатларни калькуляциялаш ўзгарувчан харажатлар бўйича амалга оширилади. Бунда ишлаб чиқариш қувватларидан оқилона ва тўлиқ қуввати бўйича фойдаланиш харажатларини калькуляциялаш жараёнига барча ўзгарувчан харажатлар ҳамда умумишлаб чиқариш харажатларининг бир қисми киради. Буларнинг барчаси ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш коэффициентига мувофиқ аниқланади.

“Директ-костинг” ҳисоб тизимида молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот тизими қуйидаги кўринишда акс эттирилади (3-жадвал).

5-жадвал

**«Тошкент Сифат Сут» МЧЖнинг 2012 йилги маълумотлари асосида
“Директ-костинг” ва маҳсулотнинг тўлиқ таннархини ҳисоблаш
tizimlari бўйича корхона молиявий натижасини аниқлашнинг қиёсий
кўриниши**

№	“Директ-костинг” tizimi бўйича	Сумма	№	Тўлиқ таннарх узули бўйича	Сумма
1.	Маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишдан тушган тушум	358357	1.	Маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишдан тушган тушум	358357
2.	Ўзгарувчан харажатлар (сотилган маҳсулот (то-вар, иш, хизмат)ларнинг таннархи)	288916	2.	Сотилган маҳсу- лотларнинг тўлиқ таннархи	334484
3.	Маржинал даромад (1ў-2ў) (маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларни сотишнинг ялпи фойдаси (зарар))	69441	3.	Асосий (опера- цион) фойда (зарар)	23873
4.	Доимий харажатлар (давр харажатлари)	45568			
5.	Асосий (операцион) фойда (зарар)	23873			

Жадвал маълумотлари молиявий натижани аниқлаш тартибидан келиб чиқиб “Директ-костинг” ҳисоб тизими ва маҳсулотнинг тўлиқ таннархи ўртасидаги фарқли жиҳатларни ифода этади.

Шундай қилиб, “Директ-костинг” ҳисоб тизими қуйидаги хусусиятларга эга:

☐ ҳисобни биринчи навбатда маржинал даромад яъни оралиқ молиявий натижани аниқлашга йўналтирилиши;

☐ маҳсулотни фақат ўзгарувчан харажатлар нуқтаи-назаридан ҳисобга олиш ва ишлаб чиқариш таннарҳини аниқлаш;

☐ корхона бўйича доимий харажатлар ҳисоби ва уларни якуний молиявий натижани аниқлаш учун операцион фойдани камайтиришга қаратиш;

☐ баҳони тезкор бошқариш жараёни асоси сифатида маржинал даромадни аниқлаш;

☐ сотиш ҳажми, таннарх ва фойда ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ва муносабатни аниқлаш;

☐ зарарсизлик нуқтасини белгилаш.

“Директ-костинг” ҳисоби тизимининг асосий афзалликлари қуйидагилар:

☐ маҳсулот таннарҳини ҳисоблашдаги соддалаштириш ва аниқлик (чунки, таннарх фақат ўзгарувчан харажатлар қисмидагина режалаштирилади ва ҳисобга олинади);

☐ маҳсулот турлари ўртасида доимий харажатларни шартли тақсимлаш учун мураккаб ҳисоб-китоблар қилинмаслиги (улар маҳсулот таннарҳи таркибига киритилмайди ва молиявий натижалар ҳисобидан қопланади);

☐ рентабеллик даражаси (зарарсизлик нуқтаси, сотиш ҳажми), маҳсулот баҳосининг қуйи чегарасини аниқлаш имконияти;

☐ маҳсулотнинг хилма-хил турлари бўйича рентабеллик даражасини қиёсий таҳлил қилиш имконияти;

☐ маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишнинг қулай дастурини аниқлаш имконияти;

☐ ўзи ишлаб чиқарган маҳсулот ёки хизматлар ҳамда уларни четдан

сотиб олишдаги танлов имконияти.

“Директ-костинг” ҳисоб тизими раҳбарларга корхона миқёсида ва турли маҳсулотлар бўйича маржинал даромаднинг ўзгаришига эътиборни кучайтиришга имкон беради, бунда юқори рентабелли маҳсулотни аниқлашда сотиш баҳоси ва ўзгарувчан харажатлар суммаси ўртасидаги тафовут алоҳида маҳсулотлар таннархига доимий харажатларни киритиш натижасида яшириниб қолмайди, мазкур тизим бозор шароити ўзгаришига жавобан харидоргир маҳсулотларни тез илғаб олиш имконини беради. Эркин бозор рақобати шароитида “Директ-костинг” ҳисоб тизими корхонани бошқариш тизими - маркетингнинг таркибий қисмига айланади.

Бундан ташқари, “Директ-костинг” ҳисоб тизими доимий харажатлар устидан тезкор назорат ўрнатишга кўмаклашади, чунки таннархни назорат қилиш жараёнида стандарт (норматив) харажатлар (“Директ-костинг” ҳисоб тизими «Стандарт-кост» тизими билан биргаликда ташкил этилади) ёки мослашувчан сметалардан фойдаланилади. Модомики, “Директ-костинг” тизимида стандартлар қўлланилар экан, бунда ўзгарувчан ва доимий харажатларга нормалар белгиланади. Шунинг назарда тутиш керакки, тўлиқ таннарх ҳисоби тизимида қўшимча харажатлар тақсимланмаган суммасининг бир қисми бир ҳисобот давридан бошқасига ўтади, шу боис, уларни назорат қилиш сустралашади. Бундай ҳолда “Директ-костинг” тизими қўшимча харажатлар тақсимланишининг меҳнатталаблилини камайтиришга ёрдам беради.

Шунингдек, “Директ-костинг” тизимининг назарий ва амалий жиҳатларини тадқиқ қилиш унга хос бўлган қуйидаги камчиликларни аниқлашга имкон беради:

□ рақобат курашида баҳоларни сунъий равишда пасайтириш кузатилса, доимий харажатлар маржинал даромад ҳисобидан ўопланиши мумкин бўлмайди яъни корхона зарар кўра бошлайди.

□ “Директ-костинг” тизимини муҳолифларининг фикрича, бу тизим ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг тўлиқ таннархини ҳисоблар тизимида

аниқлаш мушкул. Шу боис, тайёр маҳсулот ёки тугалланмаган ишлаб чиқиришнинг тўлиқ таннархини аниқлаш зарур бўлганда шартли-доимий харажатларни қўшимча тарзда тақсимлаш талаб этилади.

□ фақат ишлаб чиқариш таннархи яъни моддаларни қисқартирилган номенклатура нуқтаи-назаридан ҳисоб олиб бориш ҳисоб талабларига жавоб бермайди, чунки бунда зарурий маҳсулотнинг тўла таннархи ҳисоб-китоб қилинмайди.

“Директ-костинг” тизимини Ўзбекистон корхоналарини бошқаришда қўллашнинг имкониятлари ва мақсадга мувофиқлигини таҳлил этиш тадқиқотнинг навбатдаги босқичи ҳисобланади.

Мустақиллик йилларигача маҳсулотнинг тўлиқ таннархини калькуляция қилиш Ўзбекистон бухгалтерия ҳисоби учун анъанавий ҳисобланган. Ундаги ҳисоб маҳсулотнинг тўлиқ таннархи ҳақида маълумотлар олишга қаратилган. Бу вариантда маҳсулот таннархи доимий ва ўзгарувчан, асосий ва қўшимчаларга, бевосита ва билвосита, узлуксиз ишлаб чиқариладиган ва даврийга бўлинишидан қатъий назар, унга корхонанинг барча харажатлари киради. Бевосита маҳсулотга тааллуўли бўлмайдиган харажатлар ҳисобот даври мобайнида йиғиб-тақсимловчи счетларда тўпланади, сўнгра ҳисоб сиёсати бўйича тасдиқланган базага мутаносиб равишда маҳсулот таннархига ўтказилади, бироқ бу вариантда маҳсулот бирлиги таннархи маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳажми ўзгарганда ўзгариши ҳисобга олинмайди.

Агар корхона маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишни кенгайтирса маҳсулот бирлиги таннархи пасаяди, агар корхона маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини қисқартирса, таннарх ўсади. Бундай шароитда Ўзбекистон корхоналарида “Директ-костинг” тизимини қўллаш зарурлиги ва мақсадга мувофиқлиги долзарб бўлиб қолади.

“Директ-костинг” тизими элементларини республикамиз амалиётига қўллашда 1994 йил бурилиш даври бўлди. Бунда корхоналар аста-секин таннархни калькуляция қилишнинг Ўзбекистон ҳисоби учун ноанъанавий

бўлган усулини ўзлаштира бошладилар. Бу усул “Директ-костинг” тизими асосида жорий қилина бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 26 мартда 164-сонли «Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ва бухгалтерия ҳисоби счетлар тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори асосида бухгалтерия ҳисобини ривожлантириш бўйича бир неча қадамлар қўйилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган ва БМТнинг халқаро экспертлари иштирокида ишлаб чиқилган «Маҳсулот (иш, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тўғрисида»ги Низом (1995 йил 27 январ) қабул қилинди.

Шундан сўнг, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 1995 йил 4 апрелдаги 17-02/28-сонли Йўриқномаси тасдиқланиб, унда маъмурий бошқарувга оид харажатлар «Давр харажатлари» деб аталиши ва улар «Фойда ва зарарлар» счетига ҳисобдан чиқарилиши белгилаб қўйилди. Албатта, бу тарихга айланган ҳақиқат, бироқ шу даврдан бошлаб Ўзбекистонда «Директ-костинг» тизими ва маржинал даромад концепциясига асос солинди, десак, муболаға бўлмайди. Мазкур қоида 21-БХМСга асосан, бухгалтерия ҳисобида қўшимча харажатлар 9000-“Асосий (операцион) фаолиятдан олинган даромадлар ҳисоби” счетларининг дебети ва 9400-“Давр харажатлари ҳисоби” счетларининг кредити бўйича қайд этилишини назарда тутган.

III БОБ. «Тошкент Сифат Сут» МЧЖ корхонаси бухгалтерия ҳисоби

аудитини такомиллаштириш йўллари

3.1 Қайта ишлаш корхоналарида аудиторлик текширувини ўтказишнинг аҳамияти ва манбалари

«Тошкент Сифат Сут» МЧЖда ички ҳисоб-китоб муомалалари ходимлар ва ёлланган шахслар билан меҳнат ҳақи бўйича, ҳисобдор шахслар билан ва бошқа муомалалар бўйича ходимлар билан ҳисоб-китобларни ўз ичига олади. Бу ҳисоб-китоблар асосан нақд пул билан амалга оширилади. Шунинг учун ички ҳисоб-китоблар атайлаб ёки билмасдан кўп ҳато-камчиликларга йўл қўйиладиган соҳа бўлиб, аудитордан текширувда махсус эътибор қаратишни талаб этади.

Корхонада ички ҳисоб-китобларни аудиторлик текширувидан ўтказишдан асосий мақсад бухгалтерлик ҳисоботидаги ички ҳисоб-китоб муомалаларига доир дебиторлар ва мажбуриятлар акс эттириладиган бўлимнинг ишончлилиги, қўлланилаётган ҳисоб ва солиққа тортиш услубиётининг амалдаги меъёрий ҳужжатларга мувофиқлиги тўғрисида фикр шакллантиришдан иборат.

«Тошкент Сифат Сут» МЧЖ корхонасида ички ҳисоб-китоб муомалаларини аудиторлик текширувидан ўтказишнинг мақсади қуйидагиларни аниқлашдан иборат:

тўлиқлик – барча муомалаларнинг бухгалтерия ҳисоботида акс эттирилганлиги, ҳисобга олинмай қолган ҳисоб-китоблар йўқлиги;

мавжудлик – баланс тузиш санасига ички ҳисоб-китоблар (меҳнат ҳақи, ҳисобдор суммалар ва бошқалар) бўйича мажбуриятлар мавжудлиги ва ушбу мажбурият суммаларнинг катта-кичиклиги;

ҳуқуқ ва мажбуриятлар – ички ҳисоб-китобларга доир мажбуриятлар суммалари қонунийлиги ва тўғрилиги ўчта (шаклан, қонунийлик ва ҳаққонийлик) мезонларидан келиб чиққан ҳолда;

баҳолашлар – ички ҳисоб-китобларга доир мажбуриятларнинг меъёрий ҳужжатларга мувофиқ равишда баҳоланганлиги;

аниқлиги – меҳнат ҳақи ва ундан ушланадиган суммалар, хизмат сафари

бўйича сўткалик харажатлар суммаси ва бошқаларнинг тўғри ҳисобланганлиги, бухгалтерлик ҳисоботи маълумотларининг синтетик ва аналитик ҳисоб регистрларидаги маълумотларга мослиги;

ҳисоб даврининг чекланганлиги – ички ҳисоб-китобларга доир барча мажбуриятлар қачон вужудга келган бўлса, айнан мана шу ҳисоб даврида акс эттирилганлиги;

тақдим этиш ва баён қилиш – ички ҳисоб-китобларга доир мажбуриятларнинг барчаси ҳисоб ва ҳисоботга оид меъёрий ҳужжатларга мувофиқ баён қилинган, тўркўмланган ва тақдим қилинганлиги.

Қуйилган мақсадга эришиш учун аудитор томонидан аудиторлик текширувида қуйидаги вазифалар ҳал этилиши лозим.

6-жадвал

Ички ҳисоб-китоблар аудитида ҳал этиладиган вазифалар

Аудитнинг вазифалари	Ички ҳисоб-китоблар муомаларини аудиторлик текширувидан ўтказиш бўйича саволлар
1. Ички ҳисоб-китобларга доир муомалаларни ҳисобга олиш ва ички назорат самарадорлигининг ҳолатини баҳолаш	Меҳнат ҳақи тўлаш ва ҳисобдор суммаларни беришни белгиловчи ҳужжатларнинг мавжудлиги ва таҳлили. Кадрлар, иш вақти ва ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш, хизмат) ҳисобини ҳужжатлаштиришнинг ташқил этилишини баҳолаш. Ҳақ тўлаш ва иш ҳақидан ушланадиган суммалар турларининг классификатори (тўркўмлагичи) мавжудлиги. Иш ҳақи ва ҳисобдор суммалар берилиши устидан назорат. Ҳисобот кўрсаткичларининг синтетик ва аналитик ҳисоб регистрлари маълумотларига мослиги.
2. Ходимлар билан меҳнат ҳақи бўйича ҳисоб-китоблар тўғрисидаги ҳисоб ва ҳисобот маълумотларининг ишончлилигини текшириш.	Ҳақ турлари бўйича иш ҳақи ҳисоблашнинг тўғрилиги. Иш ҳақидан ушланадиган суммалар тўғрилиги. Иш ҳақи харажатларини таннарх таркибига кўшишнинг асослилиги. Иш ҳақи ҳисоблаш ва ундан ушланадиган суммаларни бухгалтерия ҳисоби регистрларида акс эттириш. Солиққа тортиш мақсадида жами даромадни ҳисобга олишнинг тўғрилиги.

3. Давлат бюджетидан ташқа-ри фондлар, ижтимоий Суғурта ва таъминот фондлари билан ҳисоб-китобларни ҳисоб-лашнинг тўғрилиги	Бюджетдан ташқари ижтимоий Суғурта ва таъминот фондларига тўловларни ҳисоблаш базасини аниқлашнинг тўғрилиги. Ижтимоий Суғурта ва таъминот фондлари билан ҳисоб-китобларни ҳисобда акс эттиришнинг тўғрилиги.
4. Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китобларга доир ҳисоб ва ҳисобот маълумотларининг ишончлилигини текшириш.	Ҳисобдор шахсларга бўнак беришнинг асосланганлиги. Бўнак ҳисоботларининг ўз вақтида тақдим этилиши. Ҳисобдор суммаларни ишлатишнинг ҳужжатлар билан асосланганлиги. Ҳисобдор суммаларни харажатлар таркибига кўшишнинг асослилиги. Солиққа тортишнинг тўғрилиги. Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китобларни бухгалтерия ҳисобида акс эттиришнинг тўғрилиги.
5. Ходимлар билан бошқа муомалалар бўйича ҳисоб-китоблар тўғрисидаги ҳисоб ва ҳисобот маълумотларнинг ишончлилигини текишириш.	Кредитга сотилган товарлар учун ҳисоб-китобларни ҳисобга олишнинг тўғрилиги. Қарз беришнинг қонунийлиги ва асослилиги. Берилган қарзлар бўйича ҳисоб-китобларни ҳисобга олишнинг тўғрилиги. Камомад ва ўғирликларнинг айбдор шахслар зиммасига тўлиқ олиб борилиши. Моддий зарарни қоплашга доир ҳисоб-китобларни ҳисобга олишнинг тўғрилиги.
6. Ички ҳисоб-китоб муомалаларини текшириш натижалари бўйича умумий хулоса	Текширув бўйича ишчи ҳужжатлар материалларини Умумлаштириш ва таҳлил қилиш. Хатоларнинг катта- кичиклигини (жиддийлигини) аниқлаш. Хатоларнинг ҳисобот ишончлилигига таъсирини аниқлаш.

Аудитор текширув чоғида ҳисобот кўрсаткичларида жиддий ҳатолар йўқлигига етарли даражада ишонч ҳосил қилиши лозим. Далил-исботларни тўплаш учун ҳар хил манбалардан шаклланадиган ахборот базасидан фойдаланилади. Аудитор текширувни бошлашдан олдин ички ҳисоб-китобларни текшириш учун зарур бўлган меъёрий ҳужжатлар пакети, синтетик ва аналитик ҳисоб регистрлари ва бошланғич ҳужжатларни комплектлайди.

Ички ҳисоб-китоб муомалаларини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш ва солиққа тортиш бўйича белгиланган қоидаларни тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар пакети аудитор томонидан «Тошкент сифат сут» корхонаси фаолиятининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда шакллантирилади.

«Тошкент сифат сут» корхонасида бухгалтерия ҳисобининг автоматлаштирилган шаклидан фойдаланилади, шунга мувофиқ ички ҳисоб-китоб муомалаларини ҳисобга оладиган счётлар бўйича синтетик ва аналитик ҳисоб регистрлари корхонада қўлланиладиган ҳисоб шаклига боғлиқ. Масалан, жадвал-автоматлаштирилган (ёки компьютерлаштирилган) шаклида – 4210-«Меҳнат ҳақи бўйича берилган бўнак», 6510-«Суғурта бўйича тўловлар», 6710-«Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар», 6720-«Депонентланган меҳнат ҳақи», 4220-«Хизмат сафари учун берилган бўнаклар», 4230-«Умум хўжалик харажатлари учун берилган бўнаклар», 4290-«Ходимларга берилган бошқа бўнаклар», 6870-«Ҳисобдор шахслардан қарзлар», 4710- «Кредитга сотилган товарлар бўйича ходимларнинг қарзлари», 4720-«Берилган қарз бўйича ходимларнинг қарзлари», 4730-«Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзлари» ва 4790-«Ходимларнинг бошқа қарзлари» счётлари бўйича дебет ва кредит оборотининг машинаграммалари текширилади.

Аудитор учун дастлабки ҳужжатлар ички ҳисоб-китоб муомалаларини текширишда асосий маълумот манбаси бўлиб ҳисобланади. Жумладан, ходимлар ва ёлланган шахслар билан ҳисоб-китобларни текширишда: ишга қабул қилиш ва бошқа ишга ўтказиш тўғрисидаги, таътилга чиқариш тўғрисидаги, меҳнат шартномасини тўхтатиш тўғрисидаги буйруқлар; контрактлар, меҳнат шартномалари; штатлар жадвали; шахсий карточкалар(Т-2ш); иш вақтини ҳисобга олиш табели(Т-13ш); меҳнатга лаёқатсизлик варақаси; ҳисоблашув-тўлов ведомости(Т-49ш); ҳисоб-китоб ведомости (Т-51ш); тўлов ведомости (Т-53ш); шахсий счёт (Т-54ш); ижро варақалари; даромад ва даромад солиғини ҳисобга олиш бўйича солиқ карточкаси;

-ижтимоий Суғурта ва таъминотга доир ҳисоб-китобларни текширишда:

«Ижтимоий Суғурта жамғармаси маблағлари бўйича ҳисоб-китоблар

ведомости» (Ф. 4-ИСЖ), «Рўйхатга олинганлик тўғрисидаги маълумотлари», «Суғурта килдирувчига хабарнома», «Ижтимоӣ Суғурта жамғармасига ўтказилган бадаллар ҳисобидан пенсия ва нафақаларни тўлаш бўйича ведомость»;

-ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китобларни текширишда: бўнак (аванс) ҳисоботи; хизмат сафари гувоҳномаси; хизмат сафарига борувчи ва келувчи ходимларни рўйхатга олиш дафтари; 4220-«Хизмат сафари учун берилган бўнаклар», 4230-«Умумхўжалик харажатлари учун берилган бўнаклар» ва 6970 –«Ҳисобдор шахслардан қарзлар» счётлари бўйича инвентаризация рўйхатлари;

-ходимлар билан бошқа муомалалар бўйича ҳисоб-китобларни текширишда:

Кредитга сотилган товарлар учун топшириқнома-мажбурият; қарз шартномаси; моддий зарарни қоплаш тўғрисидаги буйруқ (фармойиш); суд қарори; ижро варақалари; тўлов топшириқлари, касса крим ордерлари.

Дастлабки ҳужжатларни текширишда аудитор дастлабки ҳужжатларнинг белгиланган тартибда тасдиқланган намунавий шаклларида фойдаланилганлигини ҳам аниқлаши зарур.

«Тошкент Сифат Сут» МЧЖ корхонасида ички ҳисоб-китоб муомалаларини аудиторлик текширувидан ўтказиш ушбу муомалаларни ҳисобга олиш ва ички назоратнинг аҳволини олдиндан баҳолашни назарда тутди.

Бунда ходимларни ишга ёллаш ва ишдан бўшатишда қонунчиликка риоя қилинишини, рўйхатдаги ҳисоб ва назорат ходимларига хизмат вазифаларини, иш вақтини ва бажариладиган ишларни тақсимлаш ҳолати; меҳнатга ҳақ тўлаш, мукофотлаш ва моддий ёрдам тўғрисидаги низомларга риоя қилиниш ва бошқаларни аниқлайди.

Аудитор ички назоратнинг ҳолатини ўрганганидан сўнг («аъло», «яхши», «ўрта») ички ҳисоб-китоб муомалаларини текшириш учун танлаш ҳажмини аниқлайди.

Корхонанинг ташқи ҳисоб-китоб муомалалари мол етказиб берувчилар ва

пудратчилар, харидорлар ва буюртмачилар билан, турли дебиторлар ва кредиторлар билан, мустақил балансга ажралиб чиққан бўлинмалар билан, шўъба ва тобе корхоналар билан, ссудалар бўйича банклар билан, солиқлар ва бошқа йиғимлар бўйича бюджет билан ҳамда бюджетдан ташқари ташкилотлар билан шунингдек, даъволар бўйича ҳисоб-китобларни ўз ичига олади.

«Тошкент Сифат Сут» МЧЖ корхонасининг тўлов лаёқати, молиявий аҳволи ва инвестицион муҳити кўп жиҳатдан ушбу ҳисоб-китобларнинг ҳолатига боғлиқ. Ташқи ҳисоб-китобларнинг аҳволи тўғрисидаги ҳисобот кўрсаткичларининг аниқлигига ишонч ҳосил қилиш барча ҳисобот талабгорлари учун зарурдир. Шу боисдан, аудитор ташқи ҳисоб-китоб муомалаларининг ҳолатини махсус пухта текширувдан ўтказиши лозим.

Ташқи ҳисоб-китоб муомалаларини аудиторлик текширувидан ўтказишдан мақсад ташқи ҳисоб-китобларга доир мажбуриятларни (дебитор ва кредитор қарзларни) акс эттирадиган бухгалтерия ҳисоботи кўрсаткичларининг ишончлилиги, ҳамда қўлланилаётган ҳисоб юритиш услубиётининг меъёрий ҳужжатларга мувофиқлиги тўғрисида хулоса шакллантиришдан иборат.

7-жадвал

Ташқи ҳисоб-китоблар аудитида ҳал этиладиган вазифалар

Аудитнинг вазифалари	«Ташқи ҳисоб-китоб муомалалари Аудити» бўлимининг текширув дастури бўйича саволлар
Ташқи ҳисоб-китоб муомалаларини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг ҳолатини текшириш	Ташқи ҳисоб-китоб муомалалари бўйича қарздорликни инвентаризация қилиш материалларининг мавжудлиги ва таҳлили. Дебитор ва кредитор қарзлар вужудга келишининг ҳужжатлар билан асосланганлиги ва қонунийлиги, уларни қайтаришнинг реаллиги. Шубҳали ҳисоб-китобларни ва талаб қилинмаган қарздорликни аниқлаш Бухгалтерия ҳисоботи кўрсаткичларининг синтетик ва аналитик ҳисоб маълумотларига мослиги

Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китобларнинг тўғрилиги ва тўлиқлигини текшириш	Олинган моддий қийматлик (иш, хизмат)лар учун ҳисоблашишлар бўйича дастлабки ҳужжатлар ва шартномалар мавжудлиги ва расмийлаштирилишининг тўғрилиги. Дастлабки ҳужжатлар маълумотларининг шартномалар ва ҳисоб регистрларига мослиги. Ҳисоб регистрларидаги счётларда мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китобларни акс эттиришнинг тўлиқлиги ва тўғрилиги. Ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида амалга оширилаётганлиги ва қарздорликларнинг реаллиги. Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар бўйича кредитор қарздорликларни ҳисобдан ўчириш тартибига риоя қилиниши
Харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китобларни ҳисобга олишнинг тўғрилигини текшириш	Харидорларга сотилган маҳсулот (иш, хизмат) лар учун дастлабки ҳужжатлар ва шартномалар мавжудлиги ва расмийлаштирилишининг тўғрилиги. Дастлабки ҳужжатлар маълумотларининг шартномалар ва ҳисоб регистрларига мослиги. Харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китобларни ҳисоб регистрларидаги счётларда акс эттиришнинг тўлиқлиги ва тўғрилиги. Олинган бўнақларнинг асосланганлиги ва тўғри расмийлаштирилиши. Ҳисоб-китобларнинг ўз вақтидалиги, харидорлар ва буюртмачилар қарзларининг реаллиги ва таъминланганлиги. Харидорлар ва буюртмачиларнинг дебитор қарзларини ҳисобдан ўчириш тартибига риоя қилинишини текшириш
Даъволар бўйича ҳисоб-китобларни ҳисобга олишни текшириш	Даъволар бўйича ҳужжатлар расмийлаштирилишининг ўз вақтидалиги, асосланганлиги ва тўғрилиги. Даъволарни ҳисобда акс эттиришнинг тўлиқлиги ва тўғрилиги. Даъволар бўйича қарздорликларнинг реаллиги
Бошқа дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-ки-тобларни ҳисобга олишнинг тўлиқлиги ва тўғрилиги	Депонентланган иш ҳақини ҳисобга олишнинг ўз вақтидалиги, асосланганлиги ва тўғрилиги. Ижро варақалари бўйича иш ҳақидан ўшланган суммаларнинг асосланганлиги ва тўғрилиги, уларни олувчиларга ўтказиб беришнинг тўлиқлиги ва тўғрилиги. Транспорт ташкилотлари билан ва нотижорат тавсифдаги муомалалар бўйича турли ташкилотлар билан ҳисоб-китобларнинг тўғрилиги ва ўз вақтидалиги. Баланс тузиш санасига турли дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар бўйича қарздорликлар ҳаққонийлиги.
Масъулияти чекланган жамиятлар	Таъсис шартномаларининг мавжудлиги ва тўғри тузилганлиги.

таъсис шартномаси бўйича ҳисоб-китобларни ҳисобга олишнинг тўлиқлиги ва тўғрилигини текшириш	Таъсис шартномаси бўйича ҳисоб юритишнинг қонунийлиги ва бу шартнома бўйича муомалаларнинг ҳужжатлар билан асосланганлиги. Таъсис шартномаси доирасида хўжалик фаолиятини солиққа тортиш ва мулкларни алоҳида ҳисобга олишнинг тўғрилиги Шартнома иштирокчилари ўртасида фойданинг тақсимланиши.
Ташқи ҳисоб-китоб муомалаларини аудиторлик текширувидан ўтказиш натижаларини Умумлаштириш	Ҳисоб-китоблар аҳволининг корхона тўлов лаёқатига таъсирини баҳолаш. Аниқланган хатоларнинг жиддийлик даражасини ва уларнинг ҳисоботлар ишончлилигига таъсирини баҳолаш.

Қуйилган вазифаларни ҳал этишга эришиш учун ҳар хил усуллар ва ахборот манбаларидан фойдаланиб, исбот-далилларга эга бўлиш зарур. Шунингдек ««Тошкент Сифат Сут» МЧЖ да ташқи ҳисоб-китоб муомалаларини текшириш чоғида аудитор қуйидаги маълумот манбаларидан фойдаланади:

- ташқи ҳисоб-китоб муомалаларини ҳисобга олиш ва солиққа тортиш масалаларини тартибга соладиган, асосий меъёрий ҳужжатлар;
- ҳисоб сиёсати тўғрисидаги буйруқ.
- бухгалтерия ҳисоботлари
- корхонада тузилган, ташқи ҳисоб-китоб муомалаларининг синтетик ва аналитик ҳисоби регистрлари;
- ташқи ҳисоб-китоб муомалаларини ҳисобга оладиган дастлабки ҳужжатлар.

«Тошкент Сифат Сут» МЧЖ корхонасининг ҳисоб юритиш сиёсати тўғрисидаги буйруқ бўйича аудитор қуйидагилар билан танишади:

- ташқи ҳисоб-китоб муомалаларини ҳисобга олишда қўлланиладиган ишчи счётлар режаси;
- бухгалтерия ҳисобининг шакли ва корхонада тузиладиган ҳисоб регистрларининг рўйхати;

- ташқи ҳисоб-китоб муомалаларини ҳисобга олиш билан боғлиқ бўлган дастлабки ҳужжатлар айланиши (ҳужжатлар айланиш графиги);
- ташқи ҳисоб-китоб муомалалари расмийлаштириладиган ҳужжатларни имзолаш ҳукуқи берилган шахслар рўйхати;
- ташқи ҳисоб-китоб муомалаларини инвентаризация қилиш.

Аудитор бухгалтерия баланси (1-шакл) нинг активдаги II-«Жорий активлар» бўлими маълумотларидан «Дебитор қарзлар» моддаси ва пассивидаги II - «Мажбуриятлар» бўлими маълумотларидан «Кредитор қарзлар» моддаси бўйича қарздорликларнинг аҳволини аниқлайди.

«Тошкент Сифат Сут» МЧЖ корхонасида текширув ўтказиш жараёнида аудиторга бухгалтерия ҳисобининг корхонада қўлланиладиган шаклидан келиб чиққан ҳолда ҳар хил синтетик ва аналитик ҳисоб регистрлари тақдим қилиниши мумкин. Текширув учун зарур бўлган ҳисоб регистрларининг рўйхати ҳисоб юритиш сиёсати тўғрисидаги буйруқда белгиланган бўлиши мумкин.

Бухгалтерия ҳисоби компьютерлаштирилган шароитда 3110-3190, 4010, 4020, 4110, 4120, 4210, 4310, 4320, 4410, 4510, 4550, 4610, 6410, 6450, 6310, 6320, 6390, 6510, 6530, 6810-6890, 6520 счётлар бўйича дебет ва кредит оборотлар ҳамда қолдиқларининг босмадан чиқарилган вараги, аналитик ведомостлар ва Бош дафтар (оборот-қолдиқли ведомость), реализацияга доир реестрлар ва дафтарлардан фойдаланилади.

Шунингдек, «Тошкент Сифат Сут» МЧЖ корхонасида аудитор ташқи ҳисоб-китоб муомалаларини расмийлаштириш ва акс эттириш бўйича дастлабки ҳужжатларни талаб қилиб олади. Масалан, шартномалар (олдидотти, етказиб бериш, комиссия, пуллик хизмат, пудрат ва ҳоказо), накладнойлар, товар-транспорт накладнойлари, счётлар, счёт-фактуралар, жўнатувчи ҳужжатлар, бажарилган ишлар далолатномаси, банк ҳужжатлари (банк кўчирмалари, тўлов топшириқномалари, чеклар реестри), касса ҳужжатлари (касса чиқим ордерлари ва касса крим ордерларининг квитанциялари), авизолар, ҳаридорлар, мол етказиб берувчилар ва бошқа

дебитор ҳамда кредиторлар билан ҳисоб-китобларни инвентаризация қилиш далолатномаси (инв-17 шакл).

Ташқи ҳисоб-китоб муомалалари устидан ўрнатилган ички назоратни баҳолаш учун аудитор қуйидагиларни аниқлайди:

- ❖ ҳисоб-китобларни инвентаризация қилиш тартиби, муддатлари ва натижалари;
- ❖ ҳужжатлар айланиш графигининг мавжудлиги ва унга риоя қилинишини назорат қилиш;
- ❖ тўловлар ва ҳисоб-китоблар ҳолати ҳамда бошқалар устидан назорат қилиш шакллари, муддатлари ва ижрочилари.

«Дебитор ва кредитор қарзларнинг ҳолати тўғрисидаги маълумотнома» (2^а-шакл) маълумотларига мувофиқ муддати ўтган дебитор ва кредитор қарзлар миқдори, дебитор қарзларнинг молиявий натижа ҳисобига ҳисобдан ўчирилиши, шунингдек энг катта миқдордаги қарздор дебитор-ташкилотлар рўйхати аниқланади. Текширув жараёнида ушбу маълумотларнинг ҳаққонийлигини исботлаш ва муддати ўтиб кетган дебитор қарзларни ўндириш имкониятини аниқлаш зарур.

Аналитик ва синтетик ҳисоб регистрлари маълумотларига мувофиқ аудитор қуйидагиларни аниқлайди:

- ҳисоб-китоб муносабатлари ва уларнинг сони;
- қўлланиладиган тўлов шакллари (нақд пулсиз, нақд пуллик, ўзаро қарз суришиш йўли билан, бевосита товар ёки маҳсулот алмашиш йўли билан);
- аналитик ҳисобни юритиш тартиби (ҳисоб-китоб турлари, иштирокчилари, вужудга келиш муддатлари ва шунга ўхшаш);
- ностандарт бухгалтерия ёзувлари.

Ҳисоб-китоб муносабатларининг иштирокчилари кўп ва тўловлар шакллари хилма-хил бўлганида аудиторлик риск кучайиб, буни мазкур соҳа бўйича танлаб текшириладиган ҳисоб-китоб шакллари ва тўлов турларини аниқлашда эътиборга олиш лозим.

Ташқи ҳисоб-китоб муомалаларини ҳисобга олишнинг аҳволини баҳолаш

ҳисоб-китобларнинг турлари бўйича амалга оширилади. Бевосита текшириш бухгалтерия баланси, Бош дафтар 3110-3190, 4010, 4020, 4110, 4120, 4310, 4320, 4390, 4510, 4550, 4610, 6010, 6020, 6110, 6120, 6410, 6450, 6310, 6320, 6390, 6510, 6520, 6530, 6810-6890 счётлар бўйича синтетик ва аналитик ҳисоб регистрлари маълумотларининг мослигини аниқлашдан бошланади.

Текширув чоғида қуйидаги қоидаларга риоя қилинишига эътибор берилади:

- ✓ ҳисоб-китоб счётлари сальдоларининг балансда ёйиқ ҳолда акс эттирилиши;
- ✓ шубҳали қарзлар бўйича резерв яратилган дебитор қарзлар резерв ҳисобидан камайтирилиши лозим.

Айни вақтда тегишли ҳисоб-китоб счётлари бўйича аналитик ҳисоб маълумотларига асосан дебитор қарзларнинг «муддати ўтганлари» ажратиб кўрсатилган ҳолда узоқ муддатли ва қисқа муддатли қарзларга гуруҳланишининг тўғрилиги текширилади. Ҳисобот тузиш талабларидан келиб чиққан ҳолда қайтариш муддати бир йилдан ошиқ қарзлар узоқ муддатли қарзлар қаторига киради.

Аниқланган номувофиқликлар бўйича тафовутларнинг катта-кичиклиги, тавсифи ва вужудга келиш сабаблари аниқланади.

Қарздорликларнинг ҳаққонийлигини аниқлаш учун инвентаризация маълумотлари ҳисоб-китобларнинг ҳар бир тури бўйича таҳлил қилинади. Ҳисоб-китоб муомалаларини инвентаризация қилиш маълумотлари бўлмаганда ёки, агар инвентаризация маълумотлари шубҳали бўлса, аудиторлар вазият тақозосига кўра ёппасига ёки танлаб инвентаризация ўтказадилар.

Қарздорликларнинг ҳаққонийлиги ҳар бир ҳисоб-китоб тури бўйича дебитор ва кредитор қарзлар қолдиқлари суммаларининг тегишли ҳужжатлар билан асосланганлигини текшириш йўли билан ҳам аниқланади. Тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланмаган қарздорлик суммалари нореал қарзлар қаторига ўтказилади. Қарзларни вужудга келиш муддатлари бўйича таҳлил қилишда аниқланган, муддати ўтиб кетган қарздорлик суммалари ҳам нореал

қарзлар қаторига қўшилади.

Нореал қарзлар аниқланганида аудитор уларнинг вужудга келиш сабаблари, айбдор шахслари ва тегишли баланс моддалари ишончилигига таъсирини аниқлайди.

Ташқи ҳисоб-китоб муомалалари бўйича қолдиқларни тасдиқлашда шубҳали қарзларнинг мавжудлиги аниқланади. №21 - БҲМСга мувофиқ шартномада белгиланган муддатда (агар бундай муддат белгиланмаган бўлса - бунинг учун нормал зарур вақт давомида) ундириб олинмаган ва тегишли кафолат билан таъминланмаган дебитор қарзлар шубҳали қарзлар деб тан олинади. Шубҳали қарзлар мавжуд бўлган ҳолатлар аниқланганида шубҳали қарзлар бўйича резерв яратиш фактлари ва уларнинг тўғрилиги текширилади.

Бунинг учун 4910-«Шубҳали қарздар бўйича резервлар» счёти маълумотларининг ҳаққонийлиги аниқланади. Шу уринда шуни эътироф этиш керакки, «Тошкент Сифат Сут» МЧЖ да шубҳали қарздар бўйича резерв ташкил этилмаган, акс холда корхонанинг ҳисоб сиёсати тугрисидаги буйруқда акс эттирилди.

Ташқи ҳисоб-китоб муомалаларини ҳисобга оладиган счётлар бўйича қолдиқлар тўғрилиги дастлабки тасдиқланганидан сўнг ҳисоб-китоб счётлари бўйича оборотлар ишончилиги текширилади.

3.2 Сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарида аудиторлик текширувини ўтказиш тартиби

Сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарида ўз активлари ҳамда пассивлари, яъни мажбуриятлари аудиторлик текширувидан ўтказилади. Корхона балансида бўлган асосий воситаларни, товар-моддий бойликларини, даромадларини, устав капитали шакллантирилган қимматли қоғозлари, дебиторлик ва кредиторлик қарзларини ва шу каби актив ва мажбуриятларига эътибор берилади.

Республикамизда ислохотларнинг чуқурлаштирилиши ва иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши натижасида бухгалтерия ҳисоботи ахборотларининг

фойдаланувчиларнинг турлари кўпаймоқда. Ҳар қандай аудиторлик текширувини бошлашдан олдин аудитнинг режасини тузиш ва жиддийлик даражасини аниқлашдан бошланади.

Ҳар қандай фаолият, хусусан аудиторлик фаолияти ҳам самарали бўлиши учун даставвал, унинг пухта ва аниқ режаси ёки дастурини тузиш лозим. Уларнинг мазмуни қуйилган мақсад ва уни бажариш учун белгиланган аниқ вазифалардан келиб чиқади.

Режалаштириш аудиторлик текширувининг бошланғич босқичи бўлиб, аудиторлар режа тузгунга қадар бевосита текширув жараёнини бошламасликлари лозим. Аудитни режалаштириш қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

- аудитни дастлабки режалаштириш;
- аудитнинг умумий режасини тайёрлаш ва тузиш;
- аудит дастурини тайёрлаш ва тузиш.

Сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарида аудиторлик режалаштириш қуйидаги босқичлардан ташкил топади:

- Корхона фаолияти билан танишиш;
- Корхонанинг ички назорат тизимини боҳолаш;
- Аудиторлик далилларини тўплаш;
- Корхонанинг жиддийлик ва риск даражасини аниқлаш;
- Корхона маълумотлари таҳлилинини ўтказиш, сўнг аудиторлик танлашни амалга ошириш;
- Корхона аудиторлик дастурини тузиш ва бевосита дастурни амалга ошириш;
- Бажарилган ишлар натижаларини таҳлил қилиш, барча оралик ва умумий хужжатларни тайёрлаш
- Текширув натижаларини умумлаштириб, аудиторлик ҳисоботи ва аудиторнинг хулосасини миқдорга тақдим этиш ва хоказо.

Сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарини аудиторлик текширувидан ўтказиш учун қуйидаги хужжатлар зарурдир:

- таъсис хужжатлари;
- корхона устави;
- шартномалар;
- топшириш хужжатлари;
- счетлар;
- корхона ҳисоботлари;
- корхона таъсислари йиғилишлар баённомалари;
- молиявий ҳисобот шакллари;
- ҳисоб сиёсати ва хоказо.

«Тошкент Сифат Сут» МЧЖ корхонасининг аудиторлик фаолиятини текширишдан олдин жиддийлик даражасини аниқлаш лозимдир. Корхонанинг ҳисобот маълумотларидин келиб чиққан ҳолда унинг жиддийлик даражасини аниқлаш қуйидаги кўрсаткичлар ёрдамида аниқланади:

Баланс фойдаси. Баланс фойдасини аниқлаш учун баланснинг 450 сатрини яъни тақсимланмаган фойданинг ўтган йил кўрсаткичини ҳамда ҳозирги давр фойда кўрсаткичларининг ўртача қийматини база кўрсаткичидаги улушига купайтириш йули билан аниқлаймиз.

Сотилган маҳсулотдан соф тушум. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботнинг 010 сатрини, яъни ўтган йил ва ҳисобот йили кўрсаткичларининг ўртача қийматини база кўрсаткичидаги улушига кўпайтириш йўли билан аниқланади.

Баланс валютаси. Баланс валютасини аниқлаш учун корхонанинг жами активларининг жами пасивларга нисбатининг ўтган йил ҳамда жорий йил кўрсаткичларининг ўртача қийматининг база кўрсаткичининг улушига купайтмаси тушунилади.

Хусусий капитал. Хусусий капитал маълумотларидан фойдаланиб жиддийлик даражасини аниқлаш учун устав капиталидан резерв капиталининг айирмаси курсаткичларининг ўтган йил ва ҳисобот йили ўртача қийматини база кўрсаткичидаги улушига кўпайтириш йўли билан аниқланади.

Умумий харажатлар. Умйий харажатлардан фойдаланиб жиддийлик даражасини аниклаш учун молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот маълумотларидан фойдаланиб, яъни сотилган маҳсулотлар таннархига давр харажатларининг йиғиндиси кўрсаткичини ўтган йил ҳамда ҳисобот йили маълумотларининг ўртача суммасини база кўрсаткичидаги улушига кўпайтириш йўли билан аниқланади.

8-жадвал

«Тошкент Сифат Сут» Маъсулияти Чекланган Жамиятининг жиддийлик даражаси аниклаш учун кўрсаткичлар

(минг сўм)

№	Кўрсаткич номи	Бухгалтерлик ҳисоботининг сатр коди	Ўтган йил кўрсаткичлари	Ҳисобот йили кўрсаткичлари	Ўтган йил ва ҳисобот йили кўрсаткичларининг ўртачаси	База кўрсаткичидаги улуши (%)	Жиддийлик даражасини аниклаш учун кўрсаткичлар
1	Баланс фойдаси	Сатр 450 (шакл №1)	3 015 461	4 832 769	3 924 115	5%	196 206
2	Сотишдан тушган соф тушум	Сатр 010 (шакл №2)	12 874 085	24 466 158	18 670 122	2%	373 402
3	Баланс валютаси	Сатр 400/780 (шакл №1)	96 783 548	100 966 976	98 875 262	2%	1 977 505
4	Хусусий капитал	Сатр 410-430 (шакл №1)	89 482 768	90 472 010	89 977 389	5%	4 498 869
5	Умумий харажатлар	Сатр 020, 040 (шакл №2)	11 632 440	18 829 348	15 230 894	2%	304 618

Кўрсаткичларни аниқлаганимиздан сўнг қуйидаги амалларни бажариш мақсадга мувофиқдир.

- $(1+2+3+4+5)/5 = (196\,206+373\,402+1\,977\,505+4\,498\,869+304\,618)/5 = 1\,470\,120$ минг сўм.
- Энг ката ва энг кичик кўрсаткичларсиз: $(2+3+5)/3 = (373\,402+1\,977\,505+304\,618)/3 = 885\,174$ минг сўм.
- Жиддийлик даражасини яхлитлаб оладиган бўлсак 890 000 минг сўмни ташкил этади.

«Тошкент Сифат Сут» МЧЖ асосий воститаларининг аудитини кўрадиган бўлсак, корхона 2012 йилнинг биринчи ярим йиллиги мобайнида корхонанинг асосий воситаларининг қиймати, яъни қўшилаётган корхоналарга ўз асосий воситаларини топшириш натижасида **3 084 606.5** минг сўм қийматида бўлган асосий воситалар топширилди.

Асосий восталарни аудит теширувидан ўтказиш, корхона фаолияти умумий аудитининг бир қисми ҳисобланади. Унинг мақсади бўлиб бухгалтерия ҳисоботи асосий воситалар бўлимининг ишончилиги тўғрисида фикр шакллантириш ва корхонада асосий воситалар билан боғлиқ муаммоларни ҳисобга олиш ҳамда солиққа тортиш услубиётини ташкил этишнинг Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган меъёрий ҳужжатларга мувофиқлигини аниқлашдан иборатдир.

Асосий воситаларни аудиторлик текширувидан ўтказашда фойдаланиладиган манбалар бухгалтерлик ҳисобнинг корхонада қабул қилинган ташкилий шаклга ҳам боғлиқ бўлади. Асосий воситаларнинг ҳаракатига оид муомалалар меъёрий ҳужжатлар ва дастлабки ҳужжатлаштиришнинг унификацияланган идоралараро шакллари билан расмийлаштарилиши лозим. Улар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- асосий воситалар бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш масалаларини тартибга соладиган асосий меъёрий ҳужжатлар, яъни Бухгалтерия Ҳисобининг Миллий стандартлари №5, Солиқ Кодекси ва ҳоказо;
- корхонанинг ҳисоб сиёсати;
- топшириш далолатномалари;
- асосий воситаларни ҳисобга олишда корхонада қулланиладиган аналитик ва синтетик ҳисоб регистрлари;
- бухгалтерия ҳисоботлари;
- асосий воситаларни қабул қилиш-топшириш далолатномалари;
- таъмирланган қайта жиҳозланган ва замонавийлаштирилган объектларни қабул қилиш-топшириш далолатномалари;
- асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш далолатномалари ва ҳоказо.

Асосий воситаларни корхоналар қўшилаётганда топшириш далолатномаси асосида келиб тушганини текширишда ҳар бир объектнинг номи, инвентарь рақами, бошланғич қиймати, тўпланган амортизация суммаси, чиқарилган ёки қурилган йили, объектнинг синов натижалари, унинг техник талабларига мувофиқлиги ва бошқа маълумотлар текширилади.

Асосий воситаларни топшириш далолатномаси бухгалтерияга ўз вақтида топширилган бўлиши лозим. Корхона бухгалтериясида асосий воситаларнинг аналитик ҳисоби, уларнинг ҳар бир тури бўйича очиладиган инвентар карточкаларда юритилади. Бу карточкаларда объект ҳақида барча маълумотлар, яъни дастлабки ёки тикланиш қиймати, амортизация ажратмаларининг меъёри, кириш қилинган пайтда эскириш даражаси қайд этилган бўлиши керак.

«Тошкент Сифат Сут» МЧЖ корхонасининг асосий воситалари таркибидан қўшилаётган корхоналарга молиявий ёрдам сифатида қуйидаги қийматда асосий воситалар топшириш далолатномаси асосида корхонанинг асосий фондидан топширилди. Натижада корхонанинг асосий фондининг саломағи анча камайишига олиб келди.

Корхона асосий воситаларининг аудитини ўтказётганда унинг эскиришининг ҳисобланишини тўғрилигини текшириш лозим. Аудитор асосий воситаларга амортизация ҳисоблашнинг тўғрилигини текширишда ўрнатилган ҳар ойлик эскириш ҳисоблаш қоидаларига бухгалтерия томонидан риоя қилинаётганлигини аниқлаш лозим бўлади. Бунда текшириш учун асосий воситаларга амортизация суммасини ҳисоблашда тўлдириладиган олтинчи шакл ҳисоб-китоб жадвали асос бўлиб хизмат қилади.

Аудиторга хизмат қилиш муддати ўтиб, амортизация ҳисоблаш тўхтатилган асосий воситалар объектларининг рўйхати тақдим этилиши лозим. Агарда корхонада амортизация ҳисоблашнинг тезлаштирилган методи қўлланиладиган бўлса, ушбу ҳолат корхонанинг ҳисоб сиёсатида кўрсатилган бўлиши лозим.

Амортизация ажратмаларининг ҳисобланишини текшириш чоғида аудитор амортизация ҳисоблаш усуллариغا эътибор бериши лозим. Асосий

воситаларнинг ҳар бир гуруҳлари бўйича амортизация ҳисоблашнинг танланган у ёки бу усулини қўллаш бутун фойдали хизмат қилиш муддати давомида бошқасига ўзгартирилмасдан амалга оширилиши лозим. Аммо солиққа тортиш мақсадида амортизация ажратмалари ҳисоблаш Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексида мувофиқ асосий воситалар объектларининг дастлабки қийматида нисбатан амалга оширилади.

Асосий воситаларнинг танлаб текширувини ўтказиётганда, аудитор танлаб текшириш усули билан асосий воситаларнинг фойдали хизмат қилиш муддати тўғри белгиланганлигини аниқлайди. Чунки ҳисобот давридаги амортизация ажратмалари суммалари ва амортизация ажратмалари нормаларини белгилаш шунга боғлиқ. Амортизация ажратмалари нормалари ни нотўғри белгиланган ҳолатлар аниқланганда, аудитор бунинг оқибатида маҳсулот, иш ва хизматлар таннархи қанчалик ўзгарганини, яъни ошган ёки камайганини аниқлайди.

Шунингдек амортизация ҳисоблаш муддатларининг бошланиш ва тўхтатилиш муддатлари, амортизация ҳисоблашнинг мунтазамлиги. Амортизация ҳисоблашда пасайтирувчи оширувчи коэффициентларни қўллашнинг тўғрилигини текшириш зарур. Амортизация ажратмалари ҳисоб-китобларининг тўғрилиги танлаш асосида амалга оширилади.

Амортизация ажратмаларини маҳсулот иш ва хизматлар таннархига олиб боришнинг тўғрилигини текшириш амортизация ажратмаларини аудиторлик текширувидан ўтказишнинг муҳим масалаларидан бири ҳисобланади. Амортизация ҳисобланадиган объектлар асосий воситаларнинг қайси гуруҳига тегишлилигини, асосий воситалар маҳсулот ишлаб чиқаришда ишлатилаётганлиги ёки оператив лизинг шартномаси асосида берилганлигини аниқлаши лозим. Ноишлаб чиқариш соҳасидаги асосий воситалар бўйича ҳисобланган амортизация ажратмалари ўз маблағлари манбалари ҳисобига зарарлар счега олиб борилади.

Шунингдек, «Тошкент Сифат Сут» МЧЖ корхонасининг қўшиб юборилиши натижасида қўшилаётган корхоналарнинг молиявий ёрдам

сифатида асосий воситалар топширилганда уларнинг эскириш қийматлари ҳам топширилди, ва умумий эскириш қийматининг салмоғи камайди.

«Тошкент Сифат Сут» Маъсуляти Чекланган Жамиятининг топширилган асосий воситаларига ҳали амортизация ҳисобланмаган, яъни янги асосий воситалардир.

Асосий воситаларни солиққа торитшга келадиган бўлсак, юқоридаги маълумотлардан кўринадик, асосий воситаларнинг эскириш қиймати унча ката бўлмаганлиги сабабли, бюджетга мулк солиғи ажратмалари янада камаяди.

«Тошкент Сифат Сут» Маъсуляти Чекланган Жамиятининг ўзларининг жорий активларини ҳам бош корхонага эгалик ҳуқуқи билан топширишади. Жорий активлар ичида энг ката ўринни товар-моддий бойликлар эгаллайди. Шунинг учун корхоналар қайта ташкил этилганда уларнинг товар моддий бойликларини аудитини ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Корхоналар товар-моддий захираларини аудиторлик текширувидан ўтказишнинг асосий мақсади бўлиб, уларни топшириқ далолатномалари асосида тўғри бансга олиш ҳамда сақланиши, тежамли ва оқилона ишлатилишини аниқлашдан иборатдир. Шунингдек, ҳисобот кўрсаткичларининг ишончлилигини ва товар-моддий захиралар билан боғлиқ муомилалар ҳисоби ва солиққа тортиш услубининг Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган қонунчилик ҳамда меъёрий ҳужжатларга мувофиқлигини аниқлаш лозим. Ушбу мақсадга муомилалар моҳиятини, ҳамда назорат тузилмаси ва рискларни ҳисоблаш орқали эришилади. Товар-моддий захираларни текшириш, улар ҳажми катта бўлган корхоналарда аудитнинг асосий қисми деб қаралади.

Товар-моддий захираларини текширишда қуйидаги маълумот манбаларидан фойдаланилади:

- қўшилаётган корхоналарнинг топшириш далолатномалари;
- моддий бойликларни қабул қилиш, ҳисобга олиш, сақлаш ва беришга алоқадор меъёрий ҳужжатлар;
- корхона ҳисоб сиёсати;

- товар-моддий захиралари билан боғлиқ муомилаларни расмийлаштиришга доир дастлабки ҳужжатлар;
- ташкилий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва материаллар;
- товар-моддий захираларини ҳисобга олишга доир бухгалтерия ҳисоби регистрлари ва бухгалтерия ҳисоботлари.

Корхоналар товар-моддий захираларининг тўлиқ кирим қилиниши текшириш чоғида аудитор топшириш далолатномасига асосан, яъни топшириш далолатномасида кўрсатилган материаллар рўйхати, нархи, қанчалиги, умумий суммаси ва шу каби маълумотларга асосан ҳисоб регистрлари билан таққосланади.

Корхонанинг яна бир ўзгарувчан кўрсаткичлардан бири бу корхонанинг даромадидир. Корхоналар даромадларини ўтказиш учун топширик далолатномаси асосида топширилади. Бу далолатномада сотилган маҳсулотларнинг ҳажми, бирламчи ҳужжатнинг рақами ва муомила амалга оширилган санаси, ишларнинг кимга кўрсатилганлиги ҳақидаги маълумотлар бўлиши зарур.

«Тошкент Сифат Сут» Маъсулияти Чекланган Жамиятининг 2012 йилнинг биринчи ярим йиллиги учун корхонанинг даромадлари қуйидаги кўрсаткичларга эга.

9-жадвал

Корхонанинг даромадлари

минг сўм

Кўрсатилган ишларнинг номи	Ишлар бажаришдан олинган даромад	Умумий суммадаги улуши
Бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар бўйича	24 466 158	100%

Биринчи навбатда корхонанинг хусусий капиталининг ўзгаришини аудитдан ўтказиш лозимдир. Корхонанинг хусусий капитали таркибига устав капитали, қўшилган капитал, захира капитали ҳамда тақсимланмаган фойдани ўз ичига олади. Бунинг учун бизга корхонанинг Устави (Низоми), таъсис

хужжатлари, акционерлар йиғилишларининг протоколлари ҳамда корхонанинг хусусий капитали тўғрисидаги ҳисоботи бирламичи хужжатлар керак бўлади.

Корхонанинг хусусий капиталини текшириш, унинг суммалари ҳаққонийлиги ва ҳаракатини тўғри ҳисобга олиш муҳим вазифа ҳисобланади. Текшириш ҳисобот даврига тузилган баланс маълумотларини корхона устави, таъсис шартномаси ва тегишли ҳисоб регистрларидаги ушбу ҳисобот даврига мавжуд бўлган қолдиқлар билан солиштиришдан бошланади.

Корхонанинг устав капитали унинг устави ва таъсис шартномасига мувофиқ қоидага кўра, таъсисчиларнинг ҳиссалари ҳисобига барпо этилади. У корхонанинг хужалик фаолиятдан олинadиган фойдаси ҳисобига, зарур бўлганда таъсисчиларнинг мақсадли бадаллари ҳисобига ҳам тўлдирилиши мумкин.

Устав капиталини аудиторлик текширувидан ўтказишдан мақсад, устав капиталининг ҳолати акс эттириладиган молиявий ҳисобот кўрсаткичларининг ишончлилиги, ҳамда уни ҳисобга олиш услубиятининг меъёрий хужжатларга мувофиқлиги тўғрисида фикр шакллантиришдан иборат.

Текширувни корхона юридик мақомида ва уставда белгиланган фаолият турларини, таъсисчилар ва улар улушлирининг таркиби ҳамда суммасини, устав капиталининг молиявий-хужалик фаолиятини амалга ошириш учун етарлилигини аниқлашдан бошлаш мақсадга мувофиқдир.

«Тошкент Сифат Сут» Маъсуляти Чекланган Жамиятининг хусусий капитали таркибига корхонанинг резерв капитали, хусусан резерв капитали 6 259 214.3 минг сўмни, беғараз олинган мулкнинг қиймати 1470 минг сўмни ҳамда асосий востиларани қайта боҳолаш натижасида юзага келган фарқ 3 015.4 минг сўмни ташкил қилади. Шунингдек, мақсадли фойдаланиш учун олинган маблағлар 30 июн 2006 йил ҳолатига 39 347 007.3 минг сумни ташкил қилади, ҳамда жорий йилинг тақсимланмаган фойдаси 4 832 769 минг сўмни ташкил қилади.

Булардан кўринадики корхонанинг хусусий капитали самарали ва тулиқ шаклланган бўлиб, корхона қайта ташкил этилгандан сўнг анча ривожланганини кўриш мумкин.

Ўзбекистон Республикасида жамият тараққиётининг барча жабҳаларида энг аввало, иқтисодий соҳада ислохатларни янада чуқурлаштириш ва эркинлаштириш борасида аниқ дастур ишлаб чиқилгандир. Бу дастурни жорий этишдан кўзланган асосий мақсад Ўзбекистоннинг демократик ва бозор ислохатларини амалга ошириш, жаҳон ҳамжамиятига барқарор олға бориши учун мустаҳкам замин яратишдир.

Президентимиз И.А. Каримов: «Олдимизда турган биринчи ва асосий вазифа – бу изчил иқтисодий ўсиш чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, ишлаб чиқаришни мустаҳкамлаштириш ва илғор технологиялар билан қайта қуроллаштиришнинг бош шарти бўлган макроиқтисодий ва молиявий барқарорликка эришиш муаммосидир»* деб этганлар. Бу Республика иқтисодиётида фаолият юритаётган барча соҳа корхоналарининг фойда қуриш мақсадида, бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқариши ёки хизмат кўрсатишини талаб этади.

Хулоса

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида бухгалтерия ҳисоби тизимидаги амалга оширилаётган ислохотлар янгидан юзага келаётган объектларни ҳисобга олиш жараёнидаги муаммоларни назарий ва амалий жиҳатдан ҳал қилиш учун йўналтирилган. Сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналар фаолияти ҳам бухгалтерия ҳисобининг янги объекти сифатида ўрганилиши лозим бўлган муаммолардан ҳисобланади.

Президентимиз таъкидлаганидек, «Ўзбекистонга инвестор ва кредиторларни кириб келиши учун биз аввало уларга шароитларни яратиб беришимиз ҳамда улар қизиққан республикадаги корхона ва ташкилотларни ҳисобот маълумотлари билан таъминлашимиз даркор бўлади».²

Сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш механизмини амал қилишининг ўзига хос хусусиятлари ва мавжуд муаммолари, Сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарида бухгалтерия ҳисоби ва аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш юзасидан бажарилган битирув малакавий ишимиз якунида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарида бухгалтерия ҳисобининг ўрни ва аҳамиятини ўрганилди яъни “Тошкент Сифат Сут” МЧЖнинг молиявий хўжалик фаолияти ўрганилган ҳолда ҳозирги модернизациялаш шароитида қайта ишлаш корхоналарининг аҳамияти беқиёс эканлиги кўрсатиб берилди;

2. Қайта ишлаш корхоналарида бизнес режанинг тузилиши ўрганилди ва бизнес режанинг тузилиши янгича вариантда таклиф этилди;

3. Сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарида ҳам иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида сингари муҳтарам Президентимиз И.Каримов ўз маърузаларида маҳсулот таннархини пасайтириш юзасидан кўп маротаба таъкидлаб ўтганларидек, ишлаб чиқариш харажатларини тўғри ҳисобга олиниши бўйича таклифлар берилди;

² Каримов И.А. Ўзбекистон келажаги буюк сари. –Т.: «Ўзбекистон», 1995, 92–бет

4. Қайта ишлаш корхоналарида бухгалтерия ҳисобини юритиш хусусиятлари “Тошкент Сифат Сут” МЧЖ мисолида ўрганилди ва уни такомиллаштиришга оид таклифлар ишлаб чиқилди;

5. Сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарида “Директ-костинг” тизими бўйича харажатларни ҳисобга олиш бўйича таклифлар берилди;

6. Қайта ишлаш корхоналарида аудиторлик текширувини режалаштириш, уни ўтказишда қўлланиладиган аудиторлик амаллари ва аудиторлик ташкилотлари томонидан профессионал хизматлар кўрсатиш бўйича янги хизмат турлари кўрсатиш имконияти ишлаб чиқилди. Шунингдек, сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарида аудиторлик текширувининг мақсади ва вазифалари белгилиб олинди;

7. Сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарида аудиторлик текширувини ўтказиш тартиби кўриб чиқилди ҳамда такомиллаштириш йўллари белгилаш юзасидан таклифлар берилди.

8. Аудиторлик текширувини ўтказишнинг амалдаги ҳолати кўриб чиқилиб, сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарида ўтказиладиган аудиторлик текширувининг хусусиятлари бўйича ўтказиладиган аудиторлик амаллари кўриб чиқилди.

Замонавий иқтисодиётнинг эркинлигини ҳисобга олган ҳолда шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарида бухгалтерия ҳисоби ва аудиторлик текширувини ўтказишни доимо такомиллаштириб бориш зарур. Тадқиқотда ишлаб чиқилган илмий янгиликлар, шакллантирилган хулосалар ҳўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ҳисоби ва аудитни янада такомиллашувига олиб келади, деб ҳисоблаш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари ва Президент фармонлари

9. 1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: «Ўзбекистон», 2002 й.

10.2. Ўзбекистон Республикаси «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» ги Қонуни. 1996 йил 30 апрель.

11.3. Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни. // Халқ сўзи, 2000-йил 26-май.

12.4. Маҳсулот (иш, хизматлар) ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларини шаклланиш тартиби тўғрисидаги Низомини тасдиқлаш тўғрисидаги Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли Қарори.

II. Ўзбекистон Республикаси Президентнинг асарлари.

13.5. Каримов И.А. «Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, марралар сари ҳаракат қилишимиз лозим», «Халқ сўзи» газетаси 11.02.2006 йил.

14.6. Каримов И.А. «Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш тарзини яратиш асосий вазифамиздир», «Халқ сўзи» газетаси 13.02.2007 йил.

15.7. Каримов И.А. «Мамлакатимиз тараққиётининг қонуний асосларини мустаҳкамлаш фаолиятимиз меъзони бўлиши даркор», «Халқ сўзи» газетаси 25.02.2008 йил.

16.8. Каримов И.А. «Жаҳон-молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» - Т.: «Ўзбекистон », 2009 йил. 56 бет.

17.9. И.А.Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистоннинг ижтимоий иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтариладиган йил бўлади” номли маърузаси // Халқ сўзи, 2012 йил 20 январь, № 14 (5434).

а. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлари.

18.10. Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари. № 0-23. Т.: - 1998-2002 йил.

IV. Дарсликлар.

19.11. А. Каримов ва бошқалар. «Бухгалтерия ҳисоби». Т.: «Шарқ» НМАК, 2004 йил. 591 бет.

20.12. О. Бобожонов «Молиявий ҳисоб». – Т.: «Шарқ» НМАК, 2000 йил. 476 бет.

21.13. А. Абдуллаев «Молиявий ҳисоб».– Т.: «Фан ва технология», 2005 йил. 286 бет.

22.14. И. Очилов «Молиявий ҳисоб». – Т.: «Иқтисод ва молия», 2006 йил. 396 бет.

23.15. А. Ваҳобов, А. Ибрагимов «Молиявий таҳлил». – Т.: «Шарқ» НМАК, 2002 йил.

24.16. Ю. Иткин, А.С. Сотиболдиев «Замонавий бухгалтерия ҳисоби». Т.: 2002 й.

V. Ўқув қуланма.

25.17. И.Очилов, Д.Султонов «Суғурта ҳисоби ва ҳисоботи». – Т.: «Иқтисод ва молия», 2006 йил.

26.18. А.Пўлатов ва бошқалар «Бошқарув ҳисоби», Т.: ТИМИ, 2007 йил.

27.19. Б. Хасанов «Бошқарув ҳисоби», Т.: ТИМИ, 2005 йил.

28.20. З.С. Абдуллаев ва бошқалар «Иқтисодиётда ахборот технологиялар», Т.: ТИМИ, 2007 йил. 242 бет.

VI. Интернет сайтлари.

www.buhgalteriya.com.ua

www.referat.uz

www.glavbukh.ru

www.saldo.ru

www.ziyonet.uz

**2012 йил январ-июл ойларида сўт саноати корхоналарида
асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича
М А Ь Л У М О Т**

Корхоналар номи	Маҳсулот жами (амалдаги нархларда) минг сўм								Маҳсулот жами (солиштирма нархларда) минг сўм							
	ҳисоб 2011й.	ҳисоб 2012й.	(+,-)	ўсиш суръ- ати	ҳисоб 2011й.	ҳисоб 2012й.	(+,-)	ўсиш суръ- ати	ҳисоб 2011й.	ҳисоб 2012й.	(+,-)	ўсиш суръ- ати	ҳисоб 2011й.	ҳисоб 2012й.	(+,-)	ўсиш суръ- ати
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17
Тошкентсўт	7742	12022	4280	155	458	1228	770	268	9367	10547	1180	113	917	1228	311	134
Олмалиқсўт	97428	104170	6742	107	17363	17359	-4	100	104107	104170	63	100	17832	17359	-23	100
Сайхун-ободсўт	274328	280538	6155	102	41345	23562	-17783	57	287338	275263	-12075	96	42689	24423	-18266	57
Шаҳрихон-сўт	193250	210340	17090	109	23540	38000	14460	161	220410	224500	4090	102	45000	45000	0	100
Нестле- Ўзбекистан	4144432	7912302	3767870	191	747458	1043982	296524	140	5185983	7406395	2220412	143				
Фарғонасўт	-	110170	110170	-	0	26675	26675	-	-	96762	96762	-	0	27539	27539	0
Бўхоросўт	323819	235201	-88618	73	33465	39167	5702	117	349093	235201	-113892	67	49481	39167	-10314	79
Нўқуссўт	9657	14793	5136	153	3350	3876	526	116	14051	14793	742	105	3350	4084	734	122
Жами	5050711	8879536	3828825	176	866979	193849	326870	138	6170349	8367631	2197282	136	1781609	1017155	-794454	57
К и ч и к б и з н е с																
Тошкентсўт- маҳсулот	349915	400861	50946	115	50693	52905	2212	104	431190	436681	5491	101	65475	59049	-6696	99
Ангренсўт	73695	91360	17665	124	10543	13496	2953	128	71380	91360	19980	128	10753	13496	2743	126
Чирчиксўт	-	53750	53750	-	-	3750	3750	-	-	53750	53750	-	-	3750	3750	-
Бекободсўт	29550	29550	0	100	3050	3050	0	100	29550	29550	0	100	3050	3050	0	100
Сирдарёсўт	97475	117840	20365	121	7875	6000	-1875	76	101000	103400	2400	102	7000	5000	-2000	71
Ўлстон-сўт	34600	80280	45680	232	5400	14100	8700	261	30413	49296	18883	162	5445	8200	2755	151
Жиззахсўт	-	10789	10789	-	-	6382	6382	-	-	10879	10879	-	-	6382	6382	-
Андижон-сўт	298514	320506	21992	107	50283	46484	-3799	92	332115	333389	1274	100	60715	61070	355	101

1-илованинг давоми

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17
Қўқонсўт	57763	77166	19403	134	9023	6492	-2531	72	152300	220200	67900	145	11078	19255	8177	174
Марғилон-сўт	8815	61663	52848	700	0	7645	7645	-	9830	65433	55603	666	1690	6413	4723	379
Бравосўт	65779	137681	71902	209	13544	22907	9363	169	113448	114936	1488	101	26323	21587	-4736	82
Акташсўт	37483	24628	-12855	66	5803	0	-5803	0	35287	24587	-10700	70	6069	-	-6069	0
Пахтачисўт	259778	282753	22975	109	50642	52188	1546	103	205374	210324	4950	102	37491	38996	1505	104
Булунғур-сўт	49603	29246	-20357	59	10508	4373	-6135	42	59737	30987	-28750	52	10989	4680	-6309	43
Каттақўр- ғонсўт	13399	1991	-11408	15	1252	941	-311	75	13469	1866	-11603	14	2158	878	-1280	41
Истиклол	79118	86144	7026	109	9780	16796	7016	172	71934	92628	20694	129	10814	14513	3699	134
ТПФ Парвина	706058	830352	124294	118	95801	166668	70867	174	484391	736855	252464	152	57077	157609	100532	276
Шохонасўт	42000	136241	94241	324	25000	23501	-1499	94	42000	136241	94241	324	25000	23501	-1499	94

Шахрисабз-сут	-	37188	37188	-	-	6000	21500	-	-	37188	37188	-	-	6000	21500	-
Яккабоғсут	34797	62944	28147	181	6191	6613	422	107	37118	62944	25826	170	6402	6613	211	103
ЧП «Тева боши»	85164	85118	-46	100	21664	20853	-811	96	85164	85118	-46	100	21664	20853	-811	96
Термезсут	63100	86400	23300	137	9548	10700	1152	112	66809	84729	17920	127	10304	9729	-575	94
Афросиёб	47337	72647	25310	153	8037	11908	3871	148	47337	72647	25310	153	8037	11908	3871	148
Хўжайли-сут	16745	11238	-5507	67	8223	2619	-5604	32	17679	31578	13899	179	-	4495	4495	-
Урганчсут	-	69300	69300	-	-	18238	18238	-	-	69300	69300	-	-	18238	18238	-
ЧП «Муродов-Маруф»	100500	156400	55900	156	19492	10400	-9092	53	100500	156400	55900	156	19492	10400	-9092	53
Карманасут	65000	164167	99167	253	15600	35839	20239	230	65000	164167	99167	253	15600	35839	20329	230
ООО Фиае	53480	44000	-9840	82	-	-	-	-	53840	44000	-9840	82	-	-	-	-
Бурхон	-	68359	68359	-	-	-	-	-	-	68359	68359	-	-	-	-	-
Тўрткўл-ишонч	-	14600	14600	-	-	-	-	-	-	14600	14600	-	-	-	-	-
Жами	2670028	3645252	975224	137	422452	570848	148396	135	2656865	3633392	976527	137	407396	571504	164108	140
Ҳаммаси	7720739	12524788	4804049	162	1289431	1764697	475266	137	8827214	12001023	3173809	136	2189005	1588659	-600346	73

**«Тошкент Сифат Сут» Маъсулияти Чекланган Жамият 2010 йилги маълумотлари
асосида сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш калькуляцияси, минг сўмда**

№	Кўрсаткичлар	Сариёғ, килоли	Сариёғ, 200 гр.	Брынза, ёғли	Брынза, ёғсиз	Пишлоқ «Турист »	Пишлоқ «Дўст- лик»	Пишлоқ «Адыгей »	Сут, 2,5%	Қатик	Ряженка
1.	Тўғри материал харажатлари	1995954	2006977	888711	386977	883285	834485	740142	90860	53213	96826
2.	Тўғри меҳнат харажатлари:	19300	28952	9882	9882	32818	35124	17506	3052	4482	5774
	шу жумладан асосий иш ҳақи	13786	20680	7059	7058	23441	25088	12504	2180	3201	4124
3.	Эгри материал харажатлари	50000	81000	20000	20000	40000	180000	20000	10000	20000	40000
4.	Эгри меҳнат харажатлари	45356	68038	23220	23220	77124	82540	41138	7172	10534	13568
5.	И/ч хусусиятидаги устама харажатлар:	129982	197135	64914	64914	170612	194731	115972	20953	29748	38567
	шу жумладан, асосий воситалар эскириши	15192	22789	7779	7779	25832	27647	13779	2402	3528	4545
6.	жами: и/ч таннархи	2240592	2382102	1006727	504993	1203839	1335880	934758	132037	117977	194675
7.	Режалаштирилган фойда	112030	238210	100673	100999	60192	164388	93669	26407	23595	38947
8.	Рентабеллик даражаси, %да	5	10	10	20	5	12,3	10	20	20	20
9.	Жами: Улгуржи баҳо	2352622	2620312	1107400	605992	1264031	1500268	1028427	158444	141572	233622
10	ҚҚС	470524	524062	221480	121198	252806	300054	205685	31689	28314	46724
11	Жами: 1т.ни сотиш баҳоси	2823146	3144374	1328880	727190	1516837	1800322	1234112	190133	169886	280346
12.	Жами: 1 л/кг.ни сотиш баҳоси	2823	629	1329	727	1517	180	1234	196	175	144

Зилованинг давоми, минг сўм

№	Кўрсаткичлар	Просто- кваша 1%-0,5л	Сметана 10%-0,5 л	Творог 5% вес.	Творог 5%- 250гр	Ёғсиз пишлоқ, 100гр	Ёғсиз творог	Прос- токваша 2,5%- 0,5л	Просток ваша 2,5% вес	қаймоқ 50.% вес.	Казеин технич. вес.
1.	Тўғри материал харажатлари	53629	311306	375299	379263	392183	247605	92932	91857	1308121	1269760
2.	Тўғри меҳнат харажатлари	5774	14294	8986	10298	15820	8986	5774	4482	15204	23232
	шу жумладан асосий иш ҳақи	4124	10210	6418	7356	11300	6418	4124	3201	10860	16594
3.	Эгри материал харажатлари	40000	80000	40000	60000	60000	40000	40000	20000	142584	165890
4.	Эгри меҳнат харажатлари	13568	33590	21116	24202	37178	21116	13568	10554	35730	65892
5.	и/ч хусусиятидаги устама харажатлар	38567	97586	60551	69066	106393	60551	38567	29748	89270	164630
	шу жумладан, асосий воситалар эскириши	4545	11252	8986	8105	12453	7072	4545	3528	7200	12800
6.	жами: и/ч таннари	151538	536776	505952	542829	611574	378258	190841	156621	1590909	1689404
7.	Режалаштирилган фойда	30308	107335	101190	108566	122315	75652	38168	31324	159091	310692
8.	Рентабеллик даражаси, %да	20	20	20	20	20	20	20	20	10	18,4
9.	Жами: улгуржи баҳо	181846	644131	607142	651395	733889	453910	229009	187945	1750000	2000096
10	ҚҚС	36369	128826	121428	130279	146748	90782	45802	37589	350000	400019
11	Жами: 1т.ни сотиш баҳоси	218215	772957	728570	781674	880667	544692	274811	225534	2100000	2400115
12.	Жами: 1 л/кг.ни сотиш баҳоси	112	386	728	195	88	545	142	232	2100	2400

**«Тошкент Сифат Сут» Маъсулияти Чекланган Жамият мисолида 1
тонна сметана (25% вес) учун
КАЛЬКУЛЯЦИЯ**

№	Харажат моддалари	Ҳақиқий шартнома баҳоси 01.01.2010га	Режа бўйича (прогноз) 16.01.2010га
-	Тўғри материал харажатлари		445887-23
-	Тўғри меҳнат ҳақи харажатлари - ҳаммаси, шу жумладан:		1589-49
3.	Ишлаб чиқариш ходимларининг асосий иш ҳақи		1043-40
4.	Ишлаб чиқариш билан боғлиқ эгри меҳнат ҳақи харажатлари		386-89
5.	Ишлаб чиқариш билан боғлиқ эгри материал харажатлари		718-07
6.	Ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган устама харажатлар - ҳаммаси, шу жумладан:		893-36
7.	Ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси		722-14
8.	Жами ишлаб чиқариш таннари		449468-04
9.	Режалаштирилган фойда		70791-21
10	Даромад рентабеллиги		15,75
11	Шартнома (эркин, улгуржи, сотиш) баҳо, ҚҚСсиз		520259-26
12	Шартнома (эркин, улгуржи, сотиш) баҳо, ҚҚС билан		(520259,26+52025, 93) 572285-18

**«Тошкент Сифат Сут» Маъсулияти Чекланган Жамиятининг
2012 йил учун бухгалтерия баланси, минг сўмда**

Кўрсаткичларнинг номи	Сатр коди	Ҳисобот даври бошига	Ҳисобот даври охирига
1	2	3	4
АКТИВ			
1. Узоқ муддатли активлар			
<i>Асосий воситалар:</i>			
Бошланғич (қайта тиклаш) қиймати (0100, 0300)	010	253377	251344
Эскириш суммаси (0200)	011	87838	90971
Қолдиқ (баланс) қиймати (сатр.010-011)	012	165239	160373
<i>Номоддий активлар:</i>			
Бошланич қиймати (0400)	020	-	-
Амортизация суммаси (0500)	021	-	-
Қолдиқ (баланс) қиймати (сатр.020-021)	022	-	-
Узоқ муддатли инвестициялар, жами (сатр. 040+050+060+070+080), шу жумладан:	030		
Қимматли қоғозлар (0600)	040	2065	2065
Шўъба хўжалик жамиятларига инвестициялар (0620)	050	-	-
Қарам хўжалик жамиятларига инвестициялар (0630)	060	-	-
Чет эл капитали мавжуд бўлган корхоналарга инвестициялар (0640)	070	-	-
Бошқа узоқ муддатли инвестициялар (0690)	080	-	-
Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар (0700)	090	-	-
Капитал қўйилмалар (0800)	100	942	1734
Узоқ муддатли дебиторлик қарзлари (0910, 0920, 0930, 0940)	110	-	-
Шундан муддати ўтган	111	-	-
Узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар (0950, 0960, 0990)	120	-	-
I бўлим бўйича жами (сатр. 012+ 022+030+090+100+110+120)	130	168546	164172
II. Жорий активлар			
Товар-моддий захиралари, жами (сатр.150+160+170+180) шу жумладан:	140		
Ишлаб чиқариш захиралари (1000, 1100, 1500, 1600)	150	13194	20192
Тугалланмаган ишлаб чиқариш (2000, 2100, 2300, 2700)	160	-	-
Тайёр маҳсулот (2800)	170	734	3942
Товарлар (2900 дан 2980 нинг айирмаси)	180	6710	569
Келгуси давр харажатлари (3100)	190	-	-
Кечиктирилган харажатлар (3200)	200	-	-
Дебиторлар, жами (сатр.230+240+250+260+270+280+ 290+300)	210	-	-
шундан: муддати ўтган	211	-	-
Харидорлар ва буюртмачилар қарзи (4000дан 4900нинг айирмаси)	220	-	12278
Ажратилган бўлинмаларнинг қарзи (4110)	230	-	-
Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларининг қарзи (4120)	240	3645	14605
Ходимларга берилган бўнақлар (4200)	250	10954	13332
Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнақлар (4300)	260	-	-
Бюджетга солиқ ва йиғимлар бўйича бўнақ тўловлари (4400)	270	663	14372
Мақсадли давлат жамгармалари ва суғурталар бўйича бўнақ тўловлари (4500)	280	-	-
Таъсисчиларнинг устав капиталига улушлар бўйича қарзи (4600)	290	-	-
Ходимларнинг бошқа операциялар бўйича қарзи (4700)	300	-	-
Бошқа дебиторлик қарзлари (4800)	310	1631	-
Пул маблағлари, жами (сатр.330+340+350+360)	320		

Кассадаги пул маблағлари (5000)	330	-	-
Ҳисоблашиш счётидаги пул маблағлари (5100)	340	131	119
Чет эл валютасидаги пул маблағлари (5200)	350	-	-
Бошқа пул маблағлари ва эквивалентлари (5500, 5600, 5700)	360	-	-
1	2	3	4
Қисқа муддатли инвестициялар (5800)	370	-	-
Бошқа жорий активлар (5900)	380	-	-
II бўлим бўйича жами (сатр.140+190+200+210+320+370+380)	390	37622	80129
Баланс активи бўйича жами (сатр.130+190)	400	206208	244301
ПАССИВ			
I.Ўз маблағлари манбалари			
Устав капитали (8300)	410	26788	54780
Қўшилган капитал (8400)	420	-	-
Резерв капитали (8500)	430	105537	120206
Сотиб олинган хусусий акциялар (8600)	440	-	-
Тақсимланмаган фойда (копланмаган зарар) (8700)	450	36618	1429
Мақсадли тушумлар (8800)	460	9334	9334
Келгуси давр харажатлари ва тўловлари учун захиралар (8900)	470	-	-
I бўлим бўйича жами (сатр.410+420+430- 440+450+ 460+470)	480	178277	185749
II.Мажбуриятлар			
Узоқ муддатли мажбуриятлар, жами (сатр.500+510+520+530+540+550+560+570+580+590)	490		
шу жумладан: узоқ муддатли кредиторлик қарзлари (сатр.500+520+540+560+590)	491		
шундан: муддати ўтган узоқ муддатли кредиторлик қарзлари	492	-	-
Мол етказиб берувчи ва пудратчиларга узоқ муддатли қарзлар (7000)	500	-	-
Ажратилган бўлинмаларга узоқ муддатли қарз (7110)	510	-	-
Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларга узоқ муддатли қарз (7120)	520	7430	4836
Узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар (7210, 7220, 7230)	530	-	-
Солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар (7240)	540	-	-
Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар (7250, 7290)	550	752	1708
Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнақлар (7300)	560	3289	13567
Узоқ муддатли банк кредитлари (7810)	570	-	-
Узоқ муддатли қарзлар (7820, 7830, 7840)	580	-	-
Бошқа узоқ муддатли кредиторлик қарзлари (7900)	590	-	-
Жорий мажбуриятлар, жами (сатр.610+630+640+650+660+670+680+690+700+710+720+730+740+ 750+760)	600		
шу жумладан: кредиторлик қарзлари (сатр.610+630+650+670+680+690+700+710+720+760)	601		
шундан: муддати ўтган жорий кредиторлик қарзлари	602	-	-
Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга қарз (6000)	610	14157	27268
Ажратилган бўлинмаларга қарз	620	-	-
Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига қарз (6120)	630	-	-
Кечиктирилган даромадлар (6210, 6220, 6230)	640	-	-
Солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича кечиктирилган мажбуриятлар (6240)	650	-	-
Бошқа кечиктирилган мажбуриятлар (6250, 6290)	660	-	-
Олинган бўнақлар (6300)	670	-	-
Бюджетга тўловлар бўйича қарз (6400)	680	-	1073
Суғурталар бўйича қарз (6510)	690	320	133
Мақсадли давлат жамгармаларига тўловлар бўйича қарз (6520)	700	-	-
Таъсисчиларга бўлган қарзлар (6600)	710	-	-
Меҳнатга ҳақ тулаш бўйича қарз (6700)	720	1983	967
Қисқа муддатли банк кредитлари (6810)	730	-	9000

Қисқа муддатли қарзлар (6820, 6830, 6840)	740	-	-
Узоқ муддатли мажбуриятларнинг жорий қисми (6950)	750	-	-
Бошқа кредиторлик қарзлар (6950дан ташқари 6900)	760	-	-
II бўлим бўйича жами (сатр.490+600)	770	27931	58552
Баланс пассиви бўйича жами (сатр.480+770)	780	206208	244301

6-илова

**«Тошкент Сифат Сут» Маъсулияти Чекланган Жамиятининг
2012 йил учун бухгалтерия баланси, минг сўмда**

Кўрсаткичларнинг номи	Сатр коди	Ҳисобот даври бошига	Ҳисобот даври охирига
1	2	3	4
АКТИВ			
1. Узоқ муддатли активлар			
<i>Асосий воситалар:</i>			
Бошланғич (қайта тиклаш) қиймати (0100, 0300)	010	186739	332452
Эскириш суммаси (0200)	011	96868	180121
Қолдиқ (баланс) қиймати (сатр.010-011)	012	89871	152331
<i>Номоддий активлар:</i>			
Бошланғич қиймати (0400)	020		
Амортизация суммаси (0500)	021		
Қолдиқ (баланс) қиймати (сатр.020-021)	022		
Узоқ муддатли инвестициялар, жами (сатр. 040+050+060+070+080), шу жумладан:	030		
Қимматли қоғозлар (0600)	040	3539	-
Шўъба хўжалик жамиятларига инвестициялар (0620)	050		
Қарам хўжалик жамиятларига инвестициялар (0630)	060		
Чет эл капитали мавжуд бўлган корхоналарга инвестициялар (0640)	070		
Бошқа узоқ муддатли инвестициялар (0690)	080		
Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар (0700)	090		
Капитал қўйилмалар (0800)	100		
Узоқ муддатли дебиторлик қарзлари (0910, 0920, 0930, 0940)	110		
Шундан муддати ўтган	111		
Узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар (0950, 0960, 0990)	120		
I бўлим бўйича жами (сатр. 012+ 022+030+090+100+110+120)	130	93410	152331
II. Жорий активлар			
Товар-моддий заҳиралари, жами (сатр.150+160+170+180) шу жумладан:	140		
Ишлаб чиқариш заҳиралари (1000, 1100, 1500, 1600)	150	32254	29005
Тугалланмаган ишлаб чиқариш (2000, 2100, 2300, 2700)	160		
Тайёр маҳсулот (2800)	170	25214	20102
Товарлар (2900 дан 2980 нинг айирмаси)	180	471	487
Келгуси давр харажатлари (3100)	190		
Кечиктирилган харажатлар (3200)	200		
Дебиторлар, жами (сатр.230+240+250+260+270+280+ 290+300)	210	28208	41954
шундан: муддати ўтган	211		
Харидорлар ва буюртмачилар қарзи (4000дан 4900нинг айирмаси)	220	12702	7200
Ажратилган бўлинмаларнинг қарзи (4110)	230		
Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларининг қарзи (4120)	240	2758	6136
Ходимларга берилган бўнақлар (4200)	250	12731	27107
Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнақлар (4300)	260		

Бюджетга солиқ ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари (4400)	270		
Мақсадли давлат жамғармалари ва суғурталар бўйича бўнак тўловлари (4500)	280		
Таъсисчиларнинг устав капиталига улушлар бўйича қарзи (4600)	290		
Ходимларнинг бошқа операциялар бўйича қарзи (4700)	300		
Бошқа дебиторлик қарзлари (4800)	310	17	1511
Пул маблағлари, жами (сатр.330+340+350+360)	320		
Кассадаги пул маблағлари (5000)	330	2	-
Ҳисоблашиш счётидаги пул маблағлари (5100)	340	2123	39917
Чет эл валютасидаги пул маблағлари (5200)	350		
Бошқа пул маблағлари ва эквивалентлари (5500, 5600, 5700)	360		
1	2		
Қисқа муддатли инвестициялар (5800)	370		
Бошқа жорий активлар (5900)	380		
II бўлим бўйича жами (сатр.140+190+200+210+320+370+380)	390	88272	131465
Баланс активи бўйича жами (сатр.130+190)	400	181682	283796
ПАССИВ			
I.Ўз маблағлари манбалари			
Устав капитали (8300)	410	12436	51998
Қўшилган капитал (8400)	420	61018	121651
Резерв капитали (8500)	430	3808	6162
Сотиб олинган хусусий акциялар (8600)	440		
Тақсимланмаган фойда (копланмаган зарар) (8700)	450	15691	5610
Мақсадли тушумлар (8800)	460	10000	26243
Келгуси давр харажатлари ва тўловлари учун заҳиралар (8900)	470		
I бўлим бўйича жами (сатр.410+420+430+ 440+450+ 460+470)	480	102953	211664
II.Мажбуриятлар			
Узоқ муддатли мажбуриятлар, жами (сатр.500+510+520+530+540+550+ 560+570+580+590)	490		
шу жумладан: узоқ муддатли кредиторлик қарзлари (сатр.500+520+540+560+590)	491		
шундан: муддати ўтган узоқ муддатли кредиторлик қарзлари	492		
Мол етказиб берувчи ва пудратчиларга узоқ муддатли қарзлар (7000)	500		
Ажратилган бўлинмаларга узоқ муддатли қарз (7110)	510		
Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларга узоқ муддатли қарз (7120)	520		
Узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар (7210, 7220, 7230)	530		
Солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар (7240)	540		
Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар (7250, 7290)	550		
Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнақлар (7300)	560		
Узоқ муддатли банк кредитлари (7810)	570		
Узоқ муддатли қарзлар (7820, 7830, 7840)	580		
Бошқа узоқ муддатли кредиторлик қарзлари (7900)	590		
Жорий мажбуриятлар, жами (сатр.610+630+640+650+660+670+ 680+690+700+710+720+730+740+ 750+760)	600		
шу жумладан: кредиторлик қарзлари (сатр.610+630+650+670+680+690+ 700+710+720+760)	601	52078	20890
шундан: муддати ўтган жорий кредиторлик қарзлари	602		
Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга қарз (6000)	610	30692	9584
Ажратилган бўлинмаларга қарз	620		
Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига қарз (6120)	630	2916	3423
Кечиктирилган даромадлар (6210, 6220, 6230)	640		
Солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича кечиктирилган мажбуриятлар (6240)	650		
Бошқа кечиктирилган мажбуриятлар (6250, 6290)	660		

Олинган бўнақлар (6300)	670		
Бюджетга тўловлар бўйича қарз (6400)	680	16440	5907
Суғурталар бўйича қарз (6510)	690	1281	1024
Мақсадли давлат жамгармаларига тўловлар бўйича қарз (6520)	700	-	16
Таъсисчиларга бўлган қарзлар (6600)	710		
Меҳнатга ҳақ тулаш бўйича қарз (6700)	720	659	699
Қисқа муддатли банк кредитлари (6810)	730	9816	-
Қисқа муддатли қарзлар (6820, 6830, 6840)	740		
Узоқ муддатли мажбуриятларнинг жорий қисми (6950)	750		
Бошқа кредиторлик қарзлар (6950дан ташқари 6900)	760	90	237
II бўлим бўйича жами (сатр.490+600)	770	78729	72132
Баланс пассиви бўйича жами (сатр.480+770)	780	181682	283796

Ғилова

**«Тошкент Сифат Сут» Маъсулияти Чекланган Жамиятининг 2012
йил учун**

молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботи, минг сўмда

Кўрсаткичлар номи	Сатр коди	Ўтган йилнинг шу даврида		Ҳисобот даврида	
		Даромадлар (фойда)	Харажатлар (зарар)	Даромадлар (фойда)	Харажатлар (зарар)
1	2	3	4	5	6
Маҳсулот (иш, хизмат) ларни сотишдан тушган тушум	010	430028	X	463114	X
Қўшилган қиймат солиғи	020	X	71671	X	16988
Акцизлар	030	X	-	X	-
Маҳсулот (иш, хизмат) ларни сотишдан олинган соф тушган тушум (010-020-030- 040)	050	358357	X	446126	X
Сотилган маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг ишлаб чиқариш таннари	060	X	288916	X	384892
Сотишдан тушган ялпи молиявий натижа (050-060)	070	69441	-	61234	-
Сотиш харажатлари	080	X	1684	X	1721
Маъмурий харажатлар	090	X	6425	X	13418
Бошқа операцион харажатлар ва асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан даромадлар	100	142	37601	32	23296
Асосий фаолиятнинг фойдаси (зарари) (070-080-090-105- 100)	110	23873	-	22831	-
Уюшма ва шўъба корхоналаридан олинган дивидендлар	120	-	X	-	X
Бошқа олинган дивидендлар	125	14	X	17	X
Уюшма ва шўъба корхоналаридан олинган ва берилган қарзлар бўйича фоизлар	130	-	-	-	-
Бошқа олинган ва тўланган фоизлар	135	-	-	-	-

Валюта курсининг фарқи	140	-	-	-	-
Молиявий фаолият бўйича бошқа даромадлар ва харажатлар	145	23580	18036	38862	21752
Умумхўжалик фаолиятининг фойдаси (зарари) (110+120+125+130+140+145)	150	29431	-	39958	-
Фавқулодда фойда ва зарар	160	11233	-	-	-
Даромад (фойда) солиғи тўлагунга қадар фойда (зарар) (150-180)	170	40664	-	39958	-
Даромад (фойда)дан солиқ	180	X	11316	X	34199
Юқоридаги моддаларга қирмайдиган бошқа солиқ ва ажратмалар	190	X	2348	X	328
Ҳисобот давридаги соф фойда (зарар) (170-180-190)	200	27000	-	5431	-